

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 334*

АЛИМОВ ШЕРЗОД ЧОРИЕВИЧ

**БИЗНЕСНИ СУҒУРТАЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

5A231201 – Суғурта иши

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
проф. Имомов Ш.Б.**

ТОШКЕНТ – 2014

МУНДАРИЖА		
	Кириш.....	3
I-боб.	БИЗНЕС СУҒУРТАСИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	10
1.1.	Бизнес ва суғурта фаолиятининг макроиктисодий моҳияти.....	10
1.2.	Бизнесни суғурталашнинг ҳукуқий услубий асослари.....	20
1.3.	Бизнесни суғурталашда илғор жаҳон тажрибаси.....	33
	I-боб бўйича хулоса.....	40
II-боб.	ЎЗБЕКИСТОНДА БИЗНЕСНИ СУҒУРТАЛАШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	41
2.1.	Ўзбекистонда бизнесни суғурталаш кўрсаткичлари ва суғурта компаниялари томонидан бизнесни суғурталаш ишларининг таҳлили.....	41
2.2.	Йирик суғурта компанияларининг бизнесни суғурталаш ишлари таҳлили. (Ўзагросуғурта ДАСК мисолида).....	57
	II -боб бўйича хулоса.....	76
III-боб.	БИЗНЕС СУҒУРТАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	77
3.1.	Ўзбекистонда бизнес суғуртасини ривожлантириш истиқболлари ва самарадорлигини ошириш йўллари.....	77
3.2.	Йирик компанияларда бизнесни суғурталаш ишларини яхшилаш йўллари.....	86
	III -боб бўйича хулоса.....	94
	Хулоса ва таклифлар.....	95
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	100

*«Эришилган ютуғларни мустаҳкамлаб,
янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим»*

И.А. Каримов

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз суғурта тизимида жиддий ўзгаришлар бўй берди. Бу тармоқни изчил тараққий эттириш Президент И.Каримов ва ҳукуматнинг доимо диққат эътиборида бўлиб келди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президент И.Каримов "Ислохотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир" нутқида таъкидлаб ўтди: "... Бозор инфратузилмасининг энг муҳим институтларидан бири - тадбиркорлар ва аҳолини эҳтимоли бўлган турли зарарлардан ҳимоя қилишга қаратилган суғурта фаолияти ҳам изчил ривожланиб бормоқда. ... Улар мамлакатимиз фуқаролари ва ташкилотларига 150 турдан ортиқ суғурта хизматини таклиф этмоқда..."¹.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш-асосий вазифамиз» нутқида, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувисиз, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилмасдан, молиявий секторда хориж капитали улушини (иштирокини) кенгайтирмасдан, мамлакатимиз барқақор ривожланиш истиқболларини таъминлаш мумкин эмас.», деб таъкидлаган.² Шунингдек, ушбу нутқда, бозор муносабатлари ривожланишини таъминловчи бозор инфратузилмасининг етарли даражада ишламаётгани айтиб ўтилган. « Мисол

¹ "Ислохотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир" Президент Ислам Каримовнинг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2003 йил 18 феврал.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз» Т.« Ўзбекистон» 2000-354 бет

қилиб, суғурта ишини олайлик. Маълумки, бугунги кунда ривожланмаган суғурта тизимисиз хўжалик субъектлари, самарали иш юритиши, инвестицион фаолият билан шуғулланиши, кредит олиши мушкул. Суғурта компанияларининг бўш ресурсларни жалб қилиш, потенциал мижозлар билан ишлаши етарли даражада (яхши) эмас.», - деб алоҳида таъкидланган.³

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши, товар ва алмашув операциялари, хўжалик субъектлари ўртасидаги ўзаро келишув мажбуриятлари доирасининг кенгайиши, суғурта томонидан тақдим этиладиган кафолатлар тизимини объектив равишда талаб этади. Фақатгина суғурта асосида, моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш айирбошлаш ва исъмол жараёнидаги жамият ва шахсий манфаатлар химоясини таъминлаш мумкин.

«Эришилган ютуғларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим» нутқида Ислом Абдуғаниевич Каримов шуни таъкидлаб ўтади: «Сўнгги йилларда телекоммуникацион алоқалар ва банк-молия тизимидаги янги хизмат турларининг ривожланиши алоҳида аҳамиятга эга. Кейинги 5 йил ичида суғурта хизматлари хажми 5 марта, лизинг операциялари қарийиб 6 марта, аудиторлик хизмати пул билан хисобланганда 9 марта ошди.»⁴

Аммо, суғурта бозори шунингдек Ўзбекистон суғурта компанияларда бизнес суғуртасининг ривожланганлик даражаси бошланғич босқичда. Шу сабабли, нафақат моддий зарарни қопловчи суғурта операцияларни комплекс тадқиқ этиш, балки бизнес суғуртанинг миллий ва хориж тажрибасини ўрганиш, ҳамда республикаимиз суғурта компанияларида бизнес суғуртасини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш зарур.

³ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз» Т.« Ўзбекистон» 2000-358 бет

⁴ Каримов И.А «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим» Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида, 2007 йилнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохатларни чуғурлаштиришнинг асосий йўллари» Т.« Ўзбекистон» 2008

Иқтисодий эркинлаштириш босқичида мамлакатимиз суғурта компаниялари бизнес суғуртаси масалаларининг илмий-амалий аҳамияти етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу диссертация иши мавзусини танлашга асос бўлди.

Тадқиқот предмети бўлиб, суғурталовчиларнинг бизнес суғуртасини амалга оширишдаги ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий жараёнларни ўз ичига олади.

Тадқиқот объекти бўлиб, Республикамиз суғурта компанияларининг бизнесни суғурталаш хизмати ҳисобланади. Суғурта компаниялари ва Ўзагросуғурта ДАСК (ОАЖ) Бошқарувининг бизнесни суғурталаш бўйича иқтисодий кўрсаткичлари маълумотларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ушбу диссертация ишининг мақсади: мамлакатимиз ва хориж суғурта компаниялари бизнес суғуртасини амалга ошириш тажрибасини умумлаштириш, ҳамда омилли таҳлил асосида ушбу йўналишда истиқболли йўللарни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот иши олдида қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ўз олимизга қўйдик:

- суғурта компанияларда қўлланиладиган бизнес суғуртасининг назарий асослари ва ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;
- мамлакатимизда бизнес суғуртасининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини аниқлаш, реал бизнес суғуртасига бўлган талаб ва унга тақлиф шаклланиш қонуният, омилларини таҳлил қилиш;
- суғурта компаниялари амалиётида қўлланадиган бизнес суғуртасини амалга ошириш механизми ва моҳиятини тадқиқ қилиш;
- суғурта компанияларида бизнес суғуртасини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш бўйича тақлиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот фарази сифатида суғурта компанияларида бизнесни суғурталаш сифатини яхшилаш натижасида бизнесни суғурталаш бўйича кўрсаткичлари кескин ошади деган илмий фараз қабул қилинган.

Тадқиқот ишида фойдаланилган адабиётлар таҳлили. Мамлакатимизда, бизнесни суғурталаш фаолияти ва бизнес суғуртаси ривожланишининг йўналишларини иқтисодчи олимлар М.Асқарова, Г.Ахунова, Ҳ.Боев, Т.Боймуротов, О.Жўраев, Ш.Имомов, М.Мирсодиқов, А.Нуруллаев, Й.Турсунов, М.Ходжаева, А.Шермухамедов, Х.Шеннаев, Р.Ҳусанов, А.Ядгаровлар⁵нинг илмий ишларида таҳлил қилинган. Бизнес суғуртасини ривожланишининг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар А.Александров, А.Архипов, Ю.Ахвледиани, В.Белых, И.Балабанов, С.Берёзина, А.Вагнер, В.Гарькуша, Ф.Герман, Б.Гомелля, Э.Кросита, Н.Никулина, В.Рябикина, Б.Сербиновский, Д.Туленты, В.Шаховлар⁶ томонидан тадқиқ этилган.

⁵ Ядгаров А.А. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта тизими. – Тошкент: Янги аср авлоди, – 2005. – 79 б.; Шермухамедов А., Охунова Г., Жўраев О. Халқаро транспорт суғуртаси. – Т.: ТДИУ, -2000. – 84 б.; Шеннаев Х. Суғурта бозори нима? // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент, 1998. -№ 2.- Б. 10-11.; Асқарова М.Т. Развитие системы страхования в обеспечении экономического роста в условиях рыночных преобразований Республики Узбекистан. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата

экономических наук. Ташкент – 2003. – 21 с.; Боймуротов Т.М. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва унисолиққа тортish механизмини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент – 2004. – 22 б.; Нуруллаев А.С. Ўзбекистонда фермер вадеҳқон хўжаликларини суғурталаш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент - 2007. - 22 б.; Ходжаева М.Х. Суғурта фаолияти бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг ҳозирги аҳволи ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент – 2001. – 22 б. Мирсадыков М. Страхование рисков при ипотеке. // Рынок, деньги и кредит. – Ташкент – 2007. № 1 – с. 11-12.6

⁶ 2Белых В.С. Страхование право. - М.: Инфра-М, - 2001. – 205 с.; Балабанов И.Т. Риск-менеджмент.- М.: Финансы и статистика, -1996.-208 с.; Шахов В.В. Страхование. – М.: ЮНИТИ, -1999. – 150 с.; Рябикина В.И. Страхование. – М.: Экономист, -2006. – 120 с.; Архипов А.П., Гомелля В.Б., Туленты Д.С. Страхование: современный курс.- М.: Финансы и статистика , – 2007. – 205 с.; Ахвледиани Ю.Т. Страхование. – М.: ЮНИТИ, 2006. – 215 с.; Никулина Н.Н., Берёзина С.В. Страхование.- М.: ЮНИТИ, -2003.-220 с.; Сербиновский Б.Ю., Гарькуша В.Н. Страхование дело.- Ростов-на-Дону: Феникс, – 2004.- 180 с.3Боев Ҳ. Суғурталаш. - Тошкент: Адабиёт жамғармаси нашриёти, - 2005. – 75 б.; Ҳусанов Р.Х.,

Лекин юқорида айтиб ўтилган олимлар ўз илмий ишларида бевосита бизнесни суғурталаш. Суғурта компанияларида бизнесни суғурталаш ишлари ва моҳияти атрофлича ёритиб берилмаган. Ўзбекистонда суғурта бозорининг ривожланишида бизнес суғуртаси яъни бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Ўзбекистон бозор иқтисодиёти йўлини танлаган экан бизнес суғуртасини ривожланиши бу бозор иқтисодиётининг ривожланиши учун муҳим омиллардан бири саналади.

Тадқиқот услублари. Диссертацияни ёзишда тизимли таҳлил, назарий ва амалий таҳлил, таркибий ва солиштирма таҳлил, диалектик ва тарихий ёндашув, эксперт баҳолаш каби тадқиқот услубларидан фойдаланилди. Шунингдек, статистик материалларни таҳлил қилиш ва қайта ишлашда гуруҳларга бўлиш, танлаб олиш ва бошқа иқтисодий-статистик услублари қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда ишлаб чиқилган назарий хулоса ва амалий таклифлар, Республикамиз суғурта компанияларида бизнесни суғурталаш суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қўлланилиши мумкин.

Суғурта компанияларида бизнесни суғурталаш ишларини кенгайтириш ва уларни бизнес билан шуғулланувчилар ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш. Ишлаб чиқарувчи корхоналарда бизнес суғуртасига бўлган талабни ошириш. Ундан ташқари хизмат кўрсатувчи соҳада бу суғурта соҳасини кенг йўлга қўйса бўлади ва бу амалий ёрдам беради.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги. Тадқиқот ишида илк мартаба мамлакатимиз миллий суғурта бозорида бизнесни суғурталашнинг

самарадорлигини ошириш йўллариининг назарий-амалий муаммолари янги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш босқичида молиявий жиҳатдан тадқиқ этилмоқда. Суғурта фаолияти соҳасидаги мамлакатимизда бизнес суғуртасининг қай даражада эканлигини кўрсатиб беради ва бу бизнес билан шуғулланувчиларнинг суғуртага бўлган муносабатини кўрсатиб беради.

- Бизнесни суғурта қилиш тушунчасига илмий-назарий таъриф берилди;
- Бизнесни суғурта қилишни амалга ошириш шартлари ва тартиби илмий таҳлил қилинди;
- Бизнесни суғуртасини тузиш тартиби ва шартлари таҳлил қилинди;
- Чет эл давлатларда бизнес суғуртаси бўйича қилинаётган ишлар ўрганилди;
- Бизнесни суғурталаш бўйича суғурта маҳсулотини такомиллаштиришга доир амалий таклифлар киритилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Илмий ишда қўйилган мақсад, танланган тадқиқот усуллари, вазифалари, илмий янгилиги, диссертация таркибида ўз аксини топди. Илмий ишнинг таркиби кириш, учта боб, ҳар бир бобда учтадан режа, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг назарий ва амалий аҳамияти асосланган ҳамда тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари ёритилган. Шунингдек, диссертация ишининг кириш қисмида тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот услублари ҳамда илмий янгилиги ўз ифодасини топган.

Тадқиқот ишининг биринчи бобида, бизнес ва суғурта фаолиятининг макроиқтисодий моҳияти, бизнесни суғурташнинг ҳуқуқий услубий асослари ва бизнесни суғурташда илғор жаҳон тажрибаси ўрганиб чиқилган.

Иккинчи бобда, Ўзбекистонда бизнесни суғурталаш кўрсаткичлари ва суғурта компаниялари томонидан бизнесни суғурталаш ишларининг таҳлили

ва йирик суғурта кампанияларининг бизнесни суғурталаш ишлари таҳлили (Ўзагросуғурта ДАСК мисолида) ўрганилган таҳлил қилинган.

Учинчи бобда, Ўзбекистонда бизнес суғуртасини ривожлантириш истиқболлари ва самарадорлигини ошириш йўллари ва йирик компанияларда бизнесни суғурталаш ишларини яхшилаш йўллари ўрганилган.

Тадқиқот ишининг хулоса қисмида “Бизнесни суғурталаш самарадорлигини ошириш йўллари” мавзусида магистрлик диссертация ишини ёзиш натижасида шакллантирилган хулосалар ва ишлаб чиқилган таклифлар баён этилган.

I-БОБ. БИЗНЕС СУҒУРТАСИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Бизнес ва суғурта фаолиятининг макроиктисодий моҳияти.

Бизнес тушунчаси бугунги кунда жамиятни ажралмас қисмига айланиб қолди. Хусусий тадбиркорлик капиталистик давлатларнинг хал қилувчи кучига айланди.

Бизнес – бу шахсий даромад, фойда олишга қаратилган фуқароларнинг мустақил фаолиятидир. Бизнес фаолияти тадбиркорнинг ўз номидан, ўз мулкӣ масъулияти ва юридик шахснинг юридик масъулияти эвазига амалга оширилади. Бизнес қонун томонидан таъқиқланмаган барча турдаги хўжалик фаолиятлари билан шуғулланиши мумкин. Бизнес фаолияти бу таваккалчилик асосида амалга ошириладиган фаолиятдир.

Бизнесмен (тадбиркорлик) сўзи биринчи маротаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо бўлиб, у “Мулк эгаси” деган маънони билдиради. Жумладан, Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни фойда олиш учун қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида иқтисодий таваккалчиликка борадиган кишидир, - деб таъкидлайди. Тадбиркорни ўзи, ўз ишини режалаштиради, ишлаб чиқаришни ташкил этади, маҳсулотни сотади ва олган даромадига ўзи хўжайинлик қилади. Бизнес - бу аввало ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иқтисодий фаолият ва муносабатлар, ҳаётни ўзи сўнгра эса пул ишлаш демакдир. Бизнес- бу хорижий сўздир. У бутун дунё бўйича тарқалгандир, ундан барча мамлакатларда фойдаланадилар. Ўзбек тилида эса бизнес сўзи тадбиркорлик, бизнесмен эса тадбиркор демакдир. Ўзбекча сўз хорижий сўзга тўғри келади, лекин унга қўшимча маъно ҳам беради. Бу сўзларни ортида “иш” яъни иш билан шуғулланиш ёки корхона ташкил қилиш ётади. Шундай қилиб, бизнес - бу корхона ташкил қилиш демакдир (саноат корхонаси, савдо дўкони, хизмат кўрсатиш корхонаси, аудиторлик контораси, адвокат идораси, банк ва

х.к.). Демак, биз бу йук нарсдан пул қилиш эмас, балки мураккаб ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш демакдир.

Тадбиркорлик - бу доимо ўз ишининг фидойиси, билимдонидир. Тадбиркорлик учун ўқиш керак, нафакат дастлабки пайтларда, балки тадбиркор бир умир ўқиши, изланишда бўлиши керак. Тадбиркор нималарни билиши ва қилиши керак? У энг аввало, тадбиркорлик фаолиятини қандай амалга оширишни, қандай шароитда амалий ҳаракат қилишни, тадбиркор олдида учрайдиган тўсиқларни ҳал қилиш йўллари ва қандай ютуқларга эришишни билиши керак. Тадбиркор - ишлаб чиқаришни ташкил этишни, ҳамда маҳсулотни сотишни билиши керак. У бозор муносабатлари шароитида юзага келадиган аниқ шароитларни баҳолашни ва тўғри йўл танлашни билиши керак. Ҳеч ким, ҳеч қачон тадбиркорга нима қилишни ўргатмайди ва оғир пайтларда ёрдамга келмайди. Ҳар бир тадбиркор фақат ўз бизнесини суғурталаш орқали ўз ўзига ёрдам бериши мумкин.

1995-1999 йилларда кичик ва ҳусусий корхоналар ташкил қилишга энг катта аҳамият берилди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, "...қишлоқ жойларида ихчам ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, кичик ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш сиёсатини фаол амалга оширмоқчимиз"⁷ Мамлакатимизда бу сиёсатни амалга оширишда асосан тадбиркорликни ривожлантиришни тақозо этади. Тадбиркорликнинг кенг қўламда ривожланишига кўмакдош суғурта тизими ҳисобланади. Бу ривожланишда бизнес суғуртасининг ўрни албатда муҳимдир.

Бизнес фаолиятини ўзига хос ҳусусияти

- Мустақиллиги ва эркинлиги

⁷ Каримов И.А «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сариизчил ҳаракат қилишимиз лозим» Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида, 2007 йилнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуғурлаштиришнинг асосий йўллари» Т.« Ўзбекистон» 2008

- Иқтисодий манфаатлилиги
- Таваккалчилик ва масулиятлилиги

Бизнес фаолиятида мавжуд бўлган бу учта хусусият тадбиркорни ижодкорлигини кучайтиради, янги-янги бизнес ғояларни ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш учун иштиёқини ва шижоатини ўстиради. Лекин барибир ўз бизнесининг ҳар ҳил кутилмаган бахтсиз тасодифлар натижасида катта зарар кўриш ҳавфи бўлади. Бу ҳавфни камайтиришнинг йўлларида бири албатта бизнесни ҳавф - хатардан суғурталашдир.

Ривожланаётган бозор шароитида, бозор механизмларидан самарали фойдаланаётган мамлакатларда фуқаролар, тадбиркорлар, бизнесменлар, фирмалар, компаниялар ва давлат ўзларининг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилишда суғуртадан кенг фойдаланмоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ҳам мустақиллик йилларида суғурта соҳасида кескин ислоҳотлар амалга оширилди. Ягона давлат суғурта ташкилоти тугатилиб, турли мулк шаклидаги суғурта ташкилотлар ташкил этилди. Мазкур ташкилотлар фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқӣ жиҳатдан шарт-шароитлар яратилди, жумладан “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилиб такомиллаштирилди, фуқаролик кодексида алоҳида боб суғуртага бағишланди, мажбурий суғурта турлари қонун асосида кучга киритилди ва суғурта фаолиятини тартибга солиш мақсадида суғурта компанияларини лицензиялаш йўлга қўйилди ҳамда суғуртанинг барча жиҳатларини назарда тутувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Натижада бугунги кунда суғурта иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган йирик соҳага айланмоқда.

Суғурта ва тадбиркорлик фаолияти бир-бири билан боғлиқ соҳалар бўлиб, тадбиркорлик фаолияти суғурта хизматларига доимий равишда эҳтиёж сезади. Тадбиркорлик соҳаси янгиликларга интилувчан, ресурсларни тежаш ва самарали фойдаланиш имкониятини берувчи усулларни қидириб топишга ҳаракат қилувчи, таваккалчиликка асосланган соҳа ҳисобланади.

Маълумки, тадбиркор ўз ишини ўзи режалаштиради, ишлаб чиқаришни ташкил этади, маҳсулотни сотади ва олган даромадига ўзи эгалик қилади. Ўз ўрнида тадбиркорнинг фаолияти давомида юз берган турли ҳодисалар туфайли кўрилган зарарини унинг ўзи қоплаши керак. Кўп ҳолларда бундай зарарларни тадбиркор қоплаш имкониятига эга бўлмайди. Бундай имкониятга жамиятда фақатгина суғурта компанияси эгадир. Шу муносабат билан тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртаси тадбиркор фаолиятида зарур кўмакчи ҳисобланади.

Тадбиркорлик таваккалчиликлари билан боғлиқ рисклар суғуртаси турли ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти давомида юз бериши мумкин бўлган табиий ва бошқа кутилмаган ҳодисалардан кўриладиган зарарларни қоплашни кўзда тутувчи суғурта фаолиятидир. Турли сабаблар (хом-ашёнинг етишмай қолиши, электр ва ёқилғи мойлаш материалларининг етишмай қолиши, иш жойида ёнғин чиқиши ва ҳоказолар) оқибатида юз берадиган ишлаб чиқаришдаги узилишлар натижасида кўриладиган зарарлар, банкротлик ҳолатлари, тайёр маҳсулотнинг сотилмай қолиши ёки сотилган маҳсулот учун тўловнинг амалга ошмай қолиши ва бошқалар суғурта ҳодисаси сифатида қабул қилиниши мумкин.

Тадбиркорлик таваккалчилиги суғуртаси биринчи марта Англия иқтисодиётида ўн саккизинчи асрда пайдо бўлган. Кейинчалик ушбу суғурта турлари Европанинг бошқа малакатларида, АҚШда ва бошқа мамлакатларда кўлланила бошлаган.

Ўзбекистонда тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртаси мустақиллик йилларида пайдо бўлиб бошлади. Бу суғурта тури бўйича суғурта классификаторида ҳам класслар назарда тутилган. Аммо бу суғурта тури ҳозирча кенг ривожланиш даражасига етгани йўқ.

Тадбиркор фаолиятидаги ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига сабаб бўлувчи бир қанча хатарлар, масалан хом-ашёни етказиб беришнинг тўхтаб қолиши, иш кучининг етишмай қолиши, эл.энергия ва бошқа энергия воситаларини етказиб беришнинг тўхтаб қолиши ва бошқа ҳолатлар ишлаб

чиқаришдаги узилишларга сабаб бўлиши ва натижада кўзланган фойдага эришолмаслик ҳолатлари юз бериши мумкин.

Тижорат фаолиятида товар учун тўловлар билан боғлиқ хатарлар юз бериши мумкин, яъни етказиб берилган товар учун харидорнинг тўловга қобилиятсизлиги юз бериши ва натижада тўловни амалга ошира олмаслиги мумкин. Маълум мамлакат миқёсидаги сиёсий ҳолатлар натижасида сотувчи ёки харидорга маҳсулотни сота олмаслик ёки сотиб ололмаслик ҳолатлари юз бериши мумкин.

Ҳозирги замон шароитида тижорат рисклари суғуртасига бўлган эҳтиёж кескин ошиб бормоқда, чунки ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган субъектлар сони ошиб кетди ва ўз ўрнида мазкур соҳага йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Аммо суғуртанинг бу тури энг мураккаб бўлиб, суғурта компаниясининг жавобгарлиги юқорида кўрсатиб ўтилган рисклардан ҳосил бўлган зарарларни қоплашда ҳосил бўлади. Бунда суғурта суммасини аниқлашнинг иккита варианты мавжуд. Биринчи вариантда суғурта суммаси суғурталанувчи томонидан суғурта объектига йўналтирилган капитал маблағлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади, иккинчи вариантда суғурта суммаси суғурта объектига қилинган капитал маблағдан ташқари олинмиши кутилаётган фойдани ҳам қўшиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик хатарлари кўп ҳолларда табиий ҳодисалар натижасида юз бериши мумкин, яъни турли табиий ҳодисалар туфайли ҳосилдорликнинг камайиши ёки умуман бўлмай қолиши, сифатсиз маҳсулот етишиши ва ҳоказолар натижасида кутилган натижага эришилмай қолиниши мумкин. Бундан ташқари ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бошқа хатарлар ҳам юз бериши мумкин.

Ташқи фаолият билан боғлиқ хатарлар кўп ҳолатларда сиёсий хатарлар, маҳсулотни ташиш билан боғлиқ хатарлар, тўловга қобилиятсизлик ва бошқа хатарлар бўлиши мумкин.

Кредит рисклари суғуртасининг объекти бўлиб, харидорга бериладиган тижорат кредитлари, сотувчи ёки харидорга бериладиган банк

ссудаси, кредит бўйича мажбурият ёки кафиллик, узоқ муддатли инвестициялар ва бошқалар ҳисобланади. Ушбу суғурта тури сотувчи ёки банк-кредитор манфаатларини қарздорнинг тўловга қобилиятсизлик ҳолатидан ҳимоя қилади.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларнинг барчасида кредит рискларини суғурталашга ихтисослашган суғурта компаниялари бўлиб, улар экспорт кредитлари суғуртасини амалга оширувчи тизимга ва чет эл инвестицияларини суғурталаш схемаларига эга. Кредитни қайтара олмасликдан суғурталаш тури бозор иқтисодиёти шароитида кенг ривожланган суғурта турларидан бири ҳисобланади. Бу суғурта тури банклар ва суғурта компаниялари ўртасида ҳамкорликнинг кучайиши билан янада кенг ривожланди. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу суғурта тури бирмунча ривожланмоқда, банклар томонидан хўжалик субъектларига берилаётган кредитларни тўлиқ бўлмасида маълум қисмини қайтара олмасликдан суғурталаш амалга оширилиб келинмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятининг мақсади фойда олиш. Шунинг учун ушбу фойдани ололмасликдан суғурталаш муҳим ҳисобланади. Фойдани ололмасликнинг сабабларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) стихияли ҳодисалар туфайли ишлаб чиқариш жараёнининг бузилиши;
- 2) бозор конъюнктурасининг ўзгариши.

Бу сабаблардан ҳам суғурталаш, келажакда кутилаётган фойдани ололмасликдан ҳимояланишдаги муҳим омил саналади.

Янги техникани жорий этилаётганда техник ва технологик рисклардан суғурталаш ҳам муҳим ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти тез ривожланди. 2013 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар ўсди. Агарки мамлакатимиз аҳолиси айна шу даврда қарийб 9,7 миллионга кўпайиб, бугунги кунда 30 миллион 500 мингга яқин кишини ташкил этаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш 3 баробардан

зиёдни ташкил этиши бизнинг нақадар улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далолат беради.

Жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамасдан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 2008-2013-йилларда 8 фоиздан ошди, 2014-йилда эса бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этади. Бундай ўсиш суръатларини камдан-кам давлатларда кузатиш мумкин.⁸

Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, асосан пахта хомашёси етказиб беришга мослашган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган қолоқ республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий саноат тармоғига эга бўлган, жадал тараққий этаётган мамлакатга айланди. Бунинг яққол тасдиғи - мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 1990-йилдаги 14,2 фоиз ўрнига бугунги кунда 24,3 фоизни ташкил этгани, айти пайтда қишлоқ хўжалигининг улуши эса 34 фоиздан 17 фоизга камайганидир.

Биз учун мутлақо янги бўлмиш автомобилсозлик, моторсозлик ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлайдиган соҳаларга, нефт ва газни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқарадиган янги-янги саноат тармоқларига асос солинди. Шунингдек, озиқ-овқат, енгил саноат, кимё, қурилиш материаллари саноати ва бошқа тармоқлар тўлиқ модернизация қилинди ва дунё бозорида рақобатдош бўлган товарлар ишлаб чиқариш бошланди ва давом этмоқда⁹. Ўтган давр мобайнида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги, давлат бюджетимизнинг профицит билан, яъни ошириб бажарилиши таъминланмоқда. Ўз ўрнида тадбиркорлар фаолиятида турли рисклар

⁸ Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси Т.« Ўзбекистон» 06.12.2013

⁹ Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси Т.« Ўзбекистон» 06.12.2013

даражаси ҳам ортиб бормокда. Аммо ушбу рискларни суғуртавий ҳимоялаш ҳолатини етарли даражада деб бўлмайди. Бу биринчи ўринда тадбиркорларнинг суғурта хизматлари тўғрисидаги тушунчалари етарли эмаслиги билан изоҳланса, иккинчи томондан суғурта компаниялари бозор механизмларидан етарлича фойдаланмаётганликлари, суғурта хизматларини етарлича реклама қилинмаётганлиги ва қолаверса тадбиркорлик фаолиятидаги рисклар билан боғлиқ суғурта хизматлари замонавий турларининг камлигидир.

Бу ишларни жадаллаштиришда тадбиркорликни суғурта хизматлари билан таъминлашга ихтисослашган “Мадад” суғурта агентлиги ва қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлар ва фермерларни суғурта хизматлари билан таъминлашга ихтисослашган “Ўзагросуғурта” ДАСК ҳамда “Агроинвестсуғурта” ОАЖ ва бошқа ушбу фаолиятни суғурталашга ихтисослашган суғурта компаниялари фаолиятини янада ривожлантириш зарур. Ушбу компаниялар юқоридаги рискларни суғурталашга йўналтирилган суғуртанинг янги турларини ишлаб чиқишлари ва жойлардаги филиаллари, суғурта агентлари ҳамда турли реклама воситалари ёрдамида тадбиркорлар ва фермерларга суғурта фаолияти ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ янги суғурта хизматлари тўғрисида тушунтириш ишларини кенг йўлга қўйишлари яхши самара беради.

Тадбиркорлик фаолиятида суғуртанинг роли биринчи ўринда микроиқтисодий даражада ҳосил бўлади, бунда ўз мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар суғурта компаниялари билан суғурта шартномаларини тузадилар. Йирик миқдордаги табиӣ ёки техноген катастрофаларнинг юз бериши ва катта ҳудудлар, кўп миқдордаги корхоналар ҳамда минглаб инсонлар мулки ва ҳаётига зарар етказилганда суғурта тизими орқали макроиқтисодий даражада зарарлар қопланади. Макроиқтисодий даражадаги зарарларни қоплаш имкониятига ривожланган мамлакатларнинг суғурта компанияларигина эга. Ғарбий Европа, АҚШ ва Япония мамлакатларининг суғурта компанияларида ялпи ички маҳсулотнинг

8-12 фоизи миқдоридаги маблағлар мавжуд. Бизнинг мамлакатимизда бу кўрсаткич 0,4 фоизни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида бизнес суғуртаси яъни суғурта мукофоти тушумларининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғининг ўзгариши (фоизда)¹⁰

№	Кўрсаткичлар	2010-йил	2011-йил	2012-йил	2013-йил
1	Ялпи ички маҳсулот	100,0	100,0	100,0	100,0
2	Бизнес суғуртасининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи	0,13	0,13	0,15	0,14

Келтирилган маълумотлардан кўринадик, 2010-2013-йиллар мобайнида мамлакатимизда бизнес суғуртаси мукофотлари тушумларининг ялпи ички маҳсулотдаги ўсиш суратини сезиларли ўзгарганлигини кўришимиз мумкин. Бу ўзгаришлар бизнес суғуртасида қилинаётган ишлар кўламини кўрсатиб беради.

Бизнес суғуртасининг макроиктисодий кўрсаткичлари Ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши, барча суғурта шартномалари сони, бизнес билан шуғулланувчилар жон бошига тўғри келадиган суғурта маҳсулотлари, жами суғурта мукофотлари ва бошқалар. ЯИМ даги суғуртанинг улуши қанча катта бўлса, бу иқтисодиётдаги суғуртанинг улуши кўплигидан далолат беради. Суғурта шартномаларининг сони кўп бўлиши суғурта қилдирувчилар сонининг кўплигидан ифодаланади. Биснесни суғурталаш шартномалари сони бизнес билан шуғулланувчилар сони қанча кам бўлса, бу бизнес суғуртасининг ривожланиш даражаси пастлигини кўрсатади. Макроиктисодиётда бизнес суғуртаси улушининг пастлиги, кутилмаган

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www/mf.uz – интернет саҳифаси маълумотлари асосида муалиф томонидан тайёрланди

ходисалардан бизнес соҳасини иқтисодий жиҳатдан ҳимояланмаганлигини англатади. Масалан иқтисодий инқирозлар, таъбӣй офатлар, кутилган даромаднинг зарар билан чиқиши ва ҳакозолар. Булар натижасида иқтисодиётга жиддий зарар кўради. Четдан импорт маҳсулотларининг кириб келиши кўпаяди. Бунинг натижаси ҳаммага аёнки давлатдан валютанинг чиқиб кетишига олиб келади.

Макроиқтисодиётда бизнес суғуртасининг улуши кўп бўлиши чет давлатлардан инвестициянинг кириб келишини кўпайтиради. Суғурта қанча ривожланган бўлса, бизнесни ривожланишида ёрдамчи иқтисодий соҳа ҳисобланади.

1.2. Бизнесни суғурташнинг ҳуқуқий услубий асослари.

Суғурта ҳуқуқи суғурта ташкилотлари билан суғурталанувчилар, ҳамда кредит ташкилотлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлари ифодалайди. Бундай муносабатлар мамлакатимиз Конституцияси асосида вужудга келган қатор ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топади. Бу ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидагилар киради:

1. Фуқаролик кодекси;
2. Суғурта фаолияти тўғрисидаги Республика қонуни;
3. Тадбиркорлик фаолияти эркинликгининг кафолатлари тўғрисидаги қонуни;
4. Давлат суғурта ташкилотлари ҳақидаги низомлар;
5. Хусусий суғурта ташкилотларининг низомлари;
6. Суғурта назорати ҳақидаги ҳукумат қарори ва бошқалар.

Фуқаролик кодекси ЎЗР 30.08.1997 й. 477-I-сон Қонуни билан тасдиқланган, ЎЗР ОМ 30.08.1997 й, 477а-I-сон Қарорига мувофиқ 01.01.1998 йилдан амалга киритилган бўлиб, фуқаролик кодексининг 52-боби 914-961-моддалар суғурта масалаларига бағишланган, бунда суғуртанинг энг муҳим ҳуқуқий масалалари суғурта шартномаларини тузиш, икки томонлама суғурталаш, ҳамкорлик суғуртаси, қайта суғурталаш масалалари ёритилиб, бундан ташқари тадбиркорлик хавфини суғурталашни амалга ошириш, томонларнинг жавобгарлиги ва бошқалар кодекс доирасида ҳуқуқий жихатдан тушунтириб берилган

Фуқаролик кодексининг бизнес суғуртасига доир моддалари билан танишиб чиқсак: Фуқаролик кодексининг 915-моддаси “Мулкӣ суғурта шартномаси”га бағишланган бўлиб, унда тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг мулкӣ манфаатларини суғурталаш назарда тутилган. Мулкӣ суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ходисаси) содир бўлганда бошқа тарафга

(суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулккий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Мулккий суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар суғурталаниши мумкин:

- муайян мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфи;
- фуқаролик жавобгарлиги хавфи — бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек шартномалар бўйича жавобгарлик хавфи;
- тадбиркорлик хавфи — тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятидан кутилган даромадларни ололмаслик хавфи.

Мулккий суғурта шартномасига кўра бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланувчилар ўз мулкларининг сақланиши ва ўз фаолиятининг давомийлигини кафолатлаб олади десак адашмаган бўламиз. Бу суғурта тури иқтисодиётнинг инқирозга учрамаслигига кўмакдош, ёрдамчи ва ҳимоячи вазифаларини бажаради. Бизнес билан шуғулланувчилар тадбиркорлик хавфини суғурталаш натижасида мулккий манфаатлар натижасида келиб чиқадиган келишмовчиликларни хал қилишда кўмакдош саналади.

Фуқаролик кодексининг 917-моддасида «Мол-мулкни суғурта қилиш» шартномалари ва шартлари ёзилган яъни, мол-мулк унинг асралишидан қонун ҳужжатларига ёки шартномага асосланган манфаатга эга бўлган шахс (суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи) фойдасига, унинг мулкдори, мол-

мулкка нисбатан бошқа ашёвий ҳуқуққа эга бўлган шахс, ижарачи, пудратчи, сақловчи, воситачи ва бошқа шу кабилар фойдасига суғурта шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин. Бундан кўриниб турибдики мол-мулкни суғурта қилиш ихтиёрий. Бу билан тадбиркор мол-мулкни суғурталаш мумкин. Суғурталанган мол-мулкнинг асралишидан суғурта қилдирувчида ва наф олувчида манфаат бўлмаган пайтда тузилган мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Наф олувчи фойдасига мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси наф олувчининг исми ёки номи кўрсатилмасдан тузилиши мумкин. Бундай шартнома тузилганда суғурта қилдирувчига эгасининг номи кўрсатилмаган полис берилади. Бундай шартнома бўйича ҳуқуқларни амалга оширишда бу полисни суғурталовчига тақдим этиш зарур ҳисобланади ва бу қонунларда кўрсатилган тартибда ўз ечимини топади.

Ушбу кодекснинг 919-моддасида “Шартнома бўйича жавобгарликни суғурта қилиш” тўғрисида баён этилган. Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфини суғурта қилишга қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади. Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича фақат суғурта қилдирувчининг ўзининг жавобгарлик хавфи суғурталаниши мумкин. Ушбу талабга мувофиқ бўлмаган суғурта шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Ўз навбатида шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфи, бу шартнома шартларига кўра суғурта қилдирувчи қайси тараф олдида тегишли жавобгарликни зиммасига олиши лозим бўлса, ўша тараф — наф олувчи фойдасига, ҳатто суғурта шартномаси бошқа шахс фойдасига тузилган ёхуд унда кимнинг фойдасига тузилгани айтилмаган тақдирда ҳам, суғурталанган ҳисобланади.

Фуқароли кодексининг 920-моддасида «Тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш» тўғрисида баён этилган. Ушбу моддада Тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича фақат суғурта қилдирувчининг ўз тадбиркорлик хавфи ва фақат унинг фойдасига суғурталаниши мумкин деб таъкидлаб ўтилган. Суғурта қилдирувчи бўлмаган шахснинг тадбиркорлик

хавфини суғурта қилиш шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Чунки тадбиркорлик билан шуғулланмайдиган суғурта қилдирувчида суғурта қилинадиган хавф хатарнинг ўзи бўлмайди. Суғурта қилдирувчи бўлмаган шахснинг фойдасига тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси суғурта қилдирувчи фойдасига тузилган ҳисобланади. Бу модда суғурта соҳасидаги товламачиликларни олдини олади.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган N 69-II сонли “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни ҳам бизнесни суғурталашга асос бўлиб хизмат қилувчи қонунлардан бири бўлиб саналади. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг 15-моддаси Тадбиркорлик фаолияти субъектларини кредитлаш ва суғурта қилишга бағишланган.

Тадбиркорлик фаолияти субъектига кредит берилаётганда банк муассасалари, бошқа кредит ёки суғурта ташкилотлари кафил бўлишлари мумкин. Тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафил бўлишлари мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти кредит шартномалари бўйича мажбуриятларни таъминлаш тариқасида ўз мол-мулкидан, шу жумладан, ашёлари ва мулкый ҳуқуқларидан, шунингдек ўзи олган кредитни тўлай олмаслик хавфи суғуртаси тўғрисидаги суғурта полисидан фойдаланиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини суғурта қилиш суғурта ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

“Суғурта хизматлари бозорини бундан-буёнги ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 10 апрелдаги Президент қарорига илова сифатида тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини 2007-2010 йилларда ислоҳ қилиш ва ривожлантириш

дастурида тадбиркорлик соҳаси билан боғлиқ суғурта турлари сифатида кўзланган фойдани ололмаслик суғуртаси, лойиҳалаштиришдаги хатоликларни суғурталаш, банкротликдан суғурталаш, экспорт билан боғлиқ суғурта турлари, кўзда тутилмаган харажатлар суғуртаси, суд харажатлари суғуртаси, профессионал жавобгарлик суғуртаси каби суғурта турларини ривожлантириш ва шу мақсадда тадбиркорлик рискларини суғурталашнинг намунавий қоидаларини ишлаб чиқиш, бизнес соҳаси учун суғурта хизматларини тақдим қилишнинг ягона талаб ва стандартларини белгилаш масалалари кўзда тутилган эди. Ушбу кўзда тутилган вазифалар асосан бажарилди ва бу билан тадбиркорлик фаолиятини суғурта хизматлари билан таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатлари такомиллаштирилди.

2008-2013 йилларда суғурта бозорини ривожлантиришга оид қонунлар амалга оширилди, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг Буйруғи асосида “Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисида”ги Низом қабул қилинган. Бу низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 январда 1891 сонли рақам билан рўйхатдан ўтган.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 158-модда) мувофиқ бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартларини белгилайди. Ушбу Низом бизнес соҳаси учун суғурта хизматларини кўрсатиш деганда тадбиркорлик хавфларини суғурталаш шартномалари бўйича суғурта ҳимоясини тақдим этиш тушунилади. Мазкур Низом билан белгиланган ягона талаблар бизнес соҳаси учун суғурта хизматларини тақдим этаётган суғурталовчилар учун мажбурийдир. Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг стандартлари стандарт тушунчалар ва суғурта хизматлари кўрсатишнинг стандарт шартларидан иборатдир. Суғурта хизматлари кўрсатишнинг

стандартлари, агар қонун ҳужжатларида ёки суғурта шартномасида бошқача қоиди назарда тутилмаган бўлса, бизнес соҳаси учун суғурта хизматларини кўрсатишда қўлланилади.

Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурталовчи истеъмолчига (тадбиркорлик хавфини суғурталаш шартномасини тузмоқчи бўлган юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркорга) қуйидагилар ҳақида ҳаққоний ва тўлиқ ахборотни тақдим этиши шарт:

а) суғурталовчи ҳақида (ошкора ахборотни);

б) суғурталовчи номидан ва топшириғига биноан фаолият кўрсатаётган суғурта воситачилари (суғурта агентлари) ҳақида (агар истеъмолчи томонидан бундай талаб мавжуд бўлган тақдирда);

в) суғурта хизмати, яъни унинг нархи (суғурта мукофоти), қопламаси, шартлари, хизматнинг мақсадлари, таваккалчилик омиллари, кафолатлар, махсус истиснолари ва ҳ. к. ҳақида;

г) суғурта хизматининг истеъмолчи учун афзалликлари ва камчиликлари ҳақида;

д) суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари ҳақида;

е) суғурта мукофотлари (бадаллари) ва маблағларнинг кутилаётган қайтарилиши ҳақида (қўлланилиши мумкин бўлганда);

ж) суғурта даъволарини ҳал этиш тартиби ва суғурта шартномасининг бошқа шартлари ҳақида.

Суғурталовчи тақдим этаётган ахборот барча муҳим шартлар (позициялар) бўйича аниқ ва равшан, янглиштирмайдиган, осон тушуниладиган ва ёзма шаклда ёки тегишли электрон ташувчиларда бўлиши шарт.

Суғурталовчи:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлган суғурта хизматлари ва тақдим этиши;

суғурта хизматларини, ҳатто улар амалга оширилишининг ўзига хос шартларига эга бўлган ҳолатларда ҳам, мазкур Низомнинг талабларига мувофиқ кўрсатиши;

ўз ходимларининг барча ишларини қонун ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаши;

кўрсатилаётган хизматлар ҳақида тўлиқ маълумот, шунингдек суғурта шартларидаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ахборот тақдим этиши;

истеъмолчининг талабларига айнан мос келувчи суғурта хизматларини танлашга ёрдам бериши;

суғурта ходисаси юз берганда, суғурта товонини ўз вақтида тўланишини таъминлаши;

ўз ишидаги хатоларни сўзсиз тузатиши ҳамда суғурта қилдирувчиларнинг шикоятларини кўриб чиқиши шарт.

Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 929-моддасида назарда тутилган суғурта шартномасининг муҳим шартлари бўйича келишувга эришилиши ҳамда улар суғурта шартномасида аниқ ва равшан баён этилиши шарт.

Суғурта шартномаси янглиштирувчи тасвирловчи ҳаракатлар ёки таърифлардан ҳоли бўлиши шарт. Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурталовчи қонун ҳужжатларида ва/ёки умум қабул қилинган амалиётда назарда тутилган суғурта қилдирувчи олдидаги қайсидир мажбуриятини ёки жавобгарлигини истисно қилиш ёки чеклашга интилиб, қайсидир меъёрни асоссиз равишда далил қилиб кўрсатишга ҳақли эмас.

Агар суғурта шартномаси суғурталовчининг қайсидир саволларига суғурта қилдирувчининг жавоблари бўлмаган ҳолда тузилган бўлса, суғурталовчи тегишли ҳолатлар суғурта қилдирувчи томонидан маълум қилинмаганлигига асосланиб кейинчалик шартномани бекор қилишни ёхуд уни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди.

Суғурталовчилар суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва ҳал этиш тизимини яратишлари ва қўллаб-қувватлашлари шарт. Суғурталовчилар суғурта даъволарини ўз вақтида ва одилона ҳал этишлари шарт. Суғурта даъволарини самарали ва тез ҳал этиш мумкин бўлган суғурта даъволарини ва низоларни ҳал этишнинг содда ва объектив жараёни мавжуд бўлиши лозим. Ушбу жараён аниқ ва осон тушуниладиган бўлиши лозим.

Суғурталовчи суғурта даъволарини кўриб чиқишнинг муқобил механизми сифатида ўзидан мустақил бўлган ташкилотга (масалан, Ассистанс хизмати ёки аджастерларга) мурожаат қилишга ҳақли.

Суғурталовчи суғурта шартномасида кўрсатилган воқеа содир бўлганлиги тўғрисида хабарни ва ушбу воқеага алоқадор ҳужжатларни олгандан кейин уч банк куни бўлган муддатдан кечиктирмай етказилган зарарларнинг сабаблари ва миқдорларини аниқлаш учун аҳамиятга эга бўлган қўшимча ҳужжатларни сўрашга ҳақли.

Агар суғурталовчи воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олса, у суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузиши, унда суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига тўлаши лозим бўлган суғурта товонининг миқдорини кўрсатиши ва суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома тузилган кундан бошлаб беш банк куни бўлган муддатдан кечиктирмай суғурта товонини тўлаши шарт.

Воқеа суғурта ҳодисаси деб тан олинмаса, суғурта қилдирувчи зарарларни қоплаш талаби билан мурожаат этган кундан бошлаб ўн беш кун бўлган муддатдан кечиктирмай суғурталовчи суғурта қилдирувчига рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган хабарномани йўллаши шарт.

Суғурта шартномаси суғурта қилдирувчининг қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ёзма аризаси асосида тузилади:

а) суғурта қилдирувчи фаолиятининг қонунийлигини белгилайдиган ҳужжатлар (ушбу турдаги фаолият билан шуғулланиш учун рухсатнома, лицензия ва б.);

б) суғурта химояси сўралаётган контракт (шартнома, битим) нусхаси (зарурат бўлганда);

в) суғурталовчига таваккалчилик даражасини баҳолашга имкон берувчи бошқа ҳужжатлар.

Суғурталовчи тақдим этилган ҳужжатлар асосида суғурта шартномасини тузиш имконияти тўғрисидаги қарор қабул қилади. Суғурталовчи суғурта қилдирувчи томонидан хабар қилинган, суғурта шартномасига алоқадор маълумотларни текширишга ҳақли. Хусусан, суғурталовчи ёки унинг вакиллари суғурта қилдирувчининг контрагенти билан контракт муносабатларига алоқадор ҳужжатларни ёки уларнинг нусхаларини текшириш ҳуқуқига эга.

Суғурта шартномаси тузилгандан сўнг ариза унинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бир йил давомида амалда бўладиган бир нечта (қатор) контрактларга нисбатан Бош суғурта шартномасини тузишда суғурта мукофотларини тегишли контрактлар суғурталашга қабул қилиниши билан тўлашга йўл қўйилади. Бош суғурта шартномаси қўйидаги шартларга амал қилинганда тузилиши мумкин:

а) контрактлар бир хил турда бўлиши лозим (савдо-сотиб олиш ёки воситачилик ёки ш. к.);

б) контрагентлар таркиби Бош суғурта шартномаси амалда бўлган муддатда доимий бўлиши ва уни тузишдан олдин суғурталовчига маълум бўлиши лозим.

Суғурта қилдирувчининг талабига биноан суғурталовчи Бош суғурта шартномасининг таъсир доирасида бўладиган алоҳида контрактлар бўйича суғурта полисларини бериши шарт. Суғурта полисининг мазмуни Бош суғурта шартномасига номувофиқ бўлган тақдирда, суғурта полиси афзал кўрилади.

Таваккалчилик даражаси ўзгарганда қопланаётган таваккалчиликларнинг тавсифидан келиб чиқиб, суғурталовчи махсус ишлаб чиқилган тарифларни қўллашга ҳақли.

Суғурталовчидан суғурта товони талаб этилганда суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини ва зарарнинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатларни ёки уларнинг нусхаларини, ёки бошқа далилларни (контракт, юк ҳужжатлари, ҳисоб-фактуралар, тўлов ҳужжатлари, суғурта қилдирувчи ва дебитор ўртасидаги ёзишмаларни, ушбу зарарга тегишли бошқа ҳужжатларни) ҳамда воқеанинг содир бўлиш сабабларидан келиб чиқиб бошқа ҳужжатларни тақдим этади. Суғурта товонининг миқдорини аниқлашда аризада кўрсатилган даромадни олиш учун суғурта қилдирувчи кўрган чора-тадбирлари ва шу мақсадда амалга оширган тайёргарликларини тасдиқловчи ҳужжатлар суғурталовчи томонидан инобатга олинади ва ўрганиб чиқилади (суғурта қилдирувчи томонидан товарлар, ускуналар (қарздордан бутловчи қисмларни олишни ҳисобга олган ҳолда) ва ш. к. етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш бўйича тузилган шартномалари (контрактлари), янги ускуналарни ўрнатиш бўйича тайёргарлик ишларини олиб борилиши ва бошқа шу каби далиллар.

Агар суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун етарли бўлмаса, суғурталовчи суғурта қилдирувчидан тушунтиришлар ва тегишли қўшимча ҳужжатларни (бухгалтерия, банк ҳужжатларини ва б.), шу жумладан далолатномалар ҳамда аудиторлик ва баҳоловчи ташкилотларнинг хулосаларини сўрашга, зарур ҳолларда эса, содир бўлган воқеанинг тафсилотлари, суғурта қилдирувчининг ололмаган даромадларни (йўқотиш) сабаблари ва миқдорини эксперт баҳолаш учун мутахассисларни (экспертларни) жалб қилишга, шунингдек содир бўлган воқеанинг тафсилотларини ва зарарнинг миқдорини аниқлаш бўйича бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли.

Суғурта шартномаси амалда бўлган даврда тегишли равишда жўнатилган товарлар (кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар) учун суғурталовчи томонидан зарарни қоплаш бўйича талаблар зарар юз берган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида қабул қилинади.

Суғурта қилдирувчи зарарни келтириб чиқарган воқеанинг содир бўлганлиги ҳақида хабар қилганда, суғурталовчи суғурта даъвосини кўриб чиқиш ва содир бўлган воқеанинг тури, сабаблари ва тафсилотларини батафсил ўрганиб чиқиш учун ўз ходимини ёки бошқа шахсни юборишга ҳақли.

Суғурта қилдирувчи суғурталовчининг вакилига содир бўлган воқеанинг тури, сабаблари ва тафсилотларини ўрганиб чиқиш имкониятини таъминлаши ёки зарарни келтириб чиқарган воқеа содир бўлганлигини тасдиқловчи видео-фотоматериалларни ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Суғурта ҳодисасининг содир бўлиши муносабати билан жиноий иш, фуқаролик суд иши ёки маъмурий жазолар қўллаш ҳақида иш қўзғатилган бўлса, суғурталовчи тегишли суммаларни тўлаш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинишини мутасадди идоралар томонидан тегишли қарор қабул қилингунга қадар кечиктиришга ҳақли.

Содир бўлган воқеа, зарарлар ҳажми ва суғурта товони миқдори бўйича томонлар ўртасида келишмовчиликлар бўлмаса, суғурталовчи тўланиши лозим бўлган суғурта товони миқдори кўрсатилган суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномани (суғурта далолатномасини) тузади. Бу бизнес эгаларини суғурта билан бўладиган муносабатларни тартибга солувчи муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта хизматлари истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоялаш, яъни суғурта муносабатларида улар учун адолатли шароитларни таъминлаш, суғурталовчилар томонидан улар ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатларини камайтириш юзасидан давлат ҳамиша қайғуради. Қайта суғурталовчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида суғурталовчиларнинг тўлов қобилиятини, улар фаолиятининг қонунийлигини назорат қилиш йўли билан қайта суғурта фаолияти давлат томонидан тартибга солиниши муҳимдир.

Қайта суғурта фаолиятини тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги «Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2002 йил 27 ноябрдаги «Суғурта хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси тартибга солувчи орган ҳисобланиб, унинг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради: фуқароларнинг суғурта муносабатлари юзасидан манфаатлари бузилиши бўйича уларнинг мурожаатномаларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш; суғурта маданияти ва аҳолининг суғурталаш ҳақида хабардорлигини ошириш тадбирларининг амалга оширилишига кўмаклашиш, суғурталовчилар фаолиятининг очиқ-ойдинлигини таъминлаш ва суғурта хизматлари кўрсатилишида суғурталанувчилар учун тезкорлик ва қулайликни таъминлаш мақсадида суғурта бозорининг инфратузилмасини такомиллаштиришга кўмаклашиш, шунингдек, суғурталовчилар ва қайта суғурта брокерларининг қайта суғурта фаолиятини лицензиялаш.

Бугунги кунда қайта суғурта соҳаси иқтисодиётнинг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПК-518 сонли қарорига мувофиқ республикада яқин йиллар учун суғурталаш ва суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида бир нечта вазифа белгиланган. Қуйидагилар шулар жумласидандир: суғурта фаолиятининг қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базасини, шунингдек, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмини янада такомиллаштириш; кўрсатилаётган суғурта хизматлари, айниқса, тадбиркорлик фаолиятини, экспорт — импорт операцияларини суғурталаш, ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш, шу жумладан, суғуртанинг жамғариб бориладиган турларида

суғурта хизматлари ҳажмини, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш; капиталлашув даражасини янада кўпайтириш йўли билан суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини ва тўловга қобилиятлилигини мустаҳкамлаш; суғурталаш соҳасида кенг тушунтириш ишлари ва аҳолининг суғурта маданиятини оширишга оид бошқа тадбирларни амалга ошириш; суғурталаш соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

Мамлакат Президентининг юқоридаги қарорини бажариш мақсадида қайта суғурталашнинг замонавий турларини такомиллаштириш, суғурта фаолиятининг сифатини ошириш, капиталлашув даражасини босқичма — босқич кўпайтириш ва суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш жараёнига халқаро андозаларни жорий этиш юзасидан комплекс ишлар амалга оширилмоқда. Юқорида санаб ўтилган вазифаларнинг амалга оширилиши ривожланган, цивилизациялашган ва рақобатбардош суғурта бозорини шакллантириш, мамлакат аҳолисининг суғурта маданиятини ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги қарори билан «Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби тўғрисида низом»нинг тасдиқланиши келгусида мажбурий суғурта қилишни суғурта бозорида суғурта мукофотларининг асосий ҳажмини тақсимлашни белгилаб берувчи ҳал қилувчи сегментга айлантиради ва суғурталашнинг айнан ушбу сегментида энг кучли рақобат авж олади.

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, республикамизнинг қайта суғурталаш яқин келажакда жадал ривожланиши учун улкан салоҳият ва яхши шарт-шароитга эга.

1.3. Бизнесни суғурташда илғор жаҳон тажрибаси.

Ишлаб чиқаришдаги узилишлар суғуртаси молиявий рисклар суғуртаси турларидан бири бўлиб, тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртаси тармоғига киради. Ушбу суғурта тури ишлаб чиқаришдаги ёнғин ва бошқа ходисалар туфайли ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ёки қисман тўхтаб қолишидан кўриладиган молиявий зарарлардан суғурталайди.

Кўриладиган зарарларни икки турга бўлишимиз мумкин:

- суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида кўриладиган асосий зарарлар;
- ушбу ҳодиса билан боғлиқ қўшимча зарарлар.

Қўшимча зарарлар сифатида доимий харажатлар бўлган ижара ҳақи, мулк ва ер солиғи, алоҳида категориядаги ходимлар иш ҳақи, кредит фоизлари ва бошқалар бўлиши мумкин. Бундан ташқари фавқулотда харажатлар сифатида ишлаб чиқаришни бошқа бинога кўчириш, асбоб ускуналар ижараси кабилар бўлиши мумкин.

Бу суғурта тури фақат даромад (фойда) ни ва қўшимча харажатларни қоплаб бериши мумкин.

Бу суғурта тури биринчи марта Англияда 1938 йилда алоҳида қоидалар ишлаб чиқилгандан кейин пайдо бўлди.

Бу суғурта тури кўп ҳолларда ёнғиндан суғурталаш турига қўшимча сифатида амалга оширилади. Бунда суғурта ҳодисаси ёнғин туфайли ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолишидан кўриладиган зарарлар ҳисобланади. Аммо бу суғурта турининг замонавий турларида техник рисклар ва асосий персонални йўқотиш рисклари ҳам суғурталанмоқда.

Ишлаб чиқаришдаги узилишлар ички ва ташқи таъсирлар натижасида юз бериши мумкин. Масалан электрнинг қисқа юқори тўлқини ёнғинни келтириб чиқариши ва ишлаб чиқаришнинг узилишига сабаб бўлиши мумкин. Ташқи таъсирлар натижасидаги узилишлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- электр, газ ёки сув таъминотининг тўхтаб қолиши;

-хом-ашё етказиб беришнинг тўхтаб қолиши.

Бундай ҳолатларнинг юз беришига етказиб берувчиларда ҳам юқоридаги каби ҳолатларнинг юз бериши сабаб бўлиши мумкин.

Ташқи ва ички сабаблар тушунчасида яна бир ўзига хос ҳолатлар бор. Булар тўғри ва тескари таъсирлар тушунчаси. Тўғри таъсирда мулк эгаси битта бўлган алоҳида иккита ишлаб чиқаришнинг бири иккинчисига таъсирининг юз бериши тушунилади. Тескари таъсирда бири иккинчисига таъсир кўрсатаётган корхоналарнинг мулк эгалари бошқа-бошқа. Бунда суғурталанган корхонага моддий зарар етмаган.

Тўғри таъсир бўйича қилинган шартномаларда барча ишлаб чиқариш бўлимлари ва манзиллари кўрсатилиши керак. Тескари таъсир зарарлари кўшимча келишув асосида киритилади.

Корхонада назорат ва профилактика мақсадида амалга ошириладиган ишлаб чиқаришдаги узилишлар суғурта шартномасига киритилмайди. Тузилган суғурта шартномаси бўйича суғурта қопламасини шакллантириш қабул қилинган суғурта концепцияси ва мижоз истеъмол талабларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Мазкур суғурта турининг шаклланиши жараёнида унинг иккита базавий тизими шаклланди. Булар Англияча ва Америкача тизимлар. Бу икки тизимнинг асосий фарқли жиҳати суғурта ҳодисаси юз бергандан кейин зарар оқибатларини тугатиш даврини белгилашда бўлиб, бу давр икки вариантда аниқланиши мумкин:

-техник жиҳатдан тайёргарлик ҳолати;

-тижорат жиҳатидан тайёргарлик ҳолати.

Англияча тизим тижорат жиҳатидан тайёргарлик ҳолатига асосланади. Америкача тизим эса техник жиҳатидан тайёргарлик ҳолатига асосланади. Европача суғурта шартлари икки тизимдан комбинациялашган ҳолда фойдаланади. Россияда ҳам худди шундай.

Чет эл инвесторларнинг мулкӣ мафаатларини суғурталашда турли хил рисклар суғурта ҳимоясига олинади. Суғурта ҳимоясига олинувчи рисклар умумий рисклар, техник рисклар ва махсус рисклар тоифаларига

киритилиши мумкин. Умумий рисклар таркибига кўпчилик ҳолларда сиёсий рискларни киритилади. Ривожланган давлатларда чет эл инвесторларнинг мулкӣ манфаатлари давлат миллий суғурта компаниялари томонидан амалга оширилади.

Ривожланган давлатларда сиёсий рисклардан суғурталаш Ллойдлар томонидан ҳам амалга оширилади.

Халқаро амалиётда сиёсий рискларни суғурта орқали бошқари кэптив суғурта, қайта суғурта, ўз-ўзини суғурталаш орқали шалларидан фойдаланган ҳолда суғурталаши мумкин.

Кэптив суғурта компанияси- таъсисчиларнинг манфаатларини суғурта ҳимоясига оладиган ёки йирик концерн, корпорациялар, йирик саноат-молия гуруҳлари таркибига кирувчи суғурта компанияси. Рақобатдаги бошқа суғурта компанияларини кэптив суғурта компанияси мавжуд бўлган тармоққа кириши мураккаброқ ҳисобланади. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кэптив суғурта компанияларига - «АЛСКОМ», «Универсал суғурта» суғурта компанияларини мисол келтириш мумкин.

Ллойд- 1) Англиядаги халқаро суғурта бозори; Англиядаги суғурталовчиларнинг корпорацияси, тахминан 1734 йилда ташкил этилган. Ҳозирги пайтда Ллойдга 22000 дан ортиқ аъзо бор. Унинг фаолияти Англия парламенти қабул қилган махсус қонун билан тартибга солинади. Ллойд суғуртани барча турларини амалга оширади. Ллойд аъзолари 279 синдикатга бирлашган бўлиб, синдикат фаолияти учун андеррайтерлар жавоб беради. Андеррайтерлар билан суғурталанувчиларни суғурта воситачилари бирлаштиради. Суғурта воситачилари Ллойд бозорида рискларни жойлаштиради. Андеррайтерлар суғурта шартномаси буйича жавоб бериш учун йирик миқдордаги пул маблағларини корпорацияга депозит сифатида қўяди.

Германияда бизнесни суғурталаш асосан ишлаб чиқаришдаги техникаларни суғурталаш билан асосан ҳарактерланади. Чунки кўпроқ бизнесменларни бизнесининг тўхташига асосан техникалар сабабчи бўлади.

Ишлаб турган техника барабир ишлатилган сайин унинг ишдан чиқиши эскириши ва яроқсиз ҳолатга келиши риск анча юқоридир. Маҳсулотларнинг ўз вақтида ва сифатли чиқиши кўп жиҳатдан шу техникага боғлиқ ҳисобланади.

Япония суғурта ташкилотлари бизнесни суғурталаш бўйича иқтисодий жиҳатдан барқарор бўлишларига қарамасдан ўз фаолиятларини кенгайтиришга, бунинг учун харажатларни камайтиришга алоҳида аҳамият берадилар. Японияда бизнесни суғурталашда асосан юкларни суғурталаш диққатга сазавордир. Озиқ-овқат, саноат товарлари, музлатилган гўштларни ташиш алоҳида хусусиятларга эга. Бунда тариф қўллашда маршрут, юкнинг хили ва ташиш усули ҳисобга олинади. 1996-йил апрелда суғурта қонунига киритилган ўзгартиришларда суғурта ишида давлатнинг аралашувини камайтириш, бизнес суғуртаси ва шахсий суғуртанинг ўзаро муносабатларининг такомиллаштирилишига алоҳида аҳамият берилди.

Кейинги йилларда суғурта тизимини йириклаштиришга алоҳида эътибор берилди. 6 та мол-мулк ва 11 та шахсий суғурта компаниялари ташкил қилинди. Лекин шунга қарамасдан суғурта ташкилотлари ўртасидаги рақобат давом этмоқда.

Шундай қилиб, хорижий мамлакатларда суғурта халқаро суғурта бозорининг таркибий қисми ҳисобланади. Суғурта ёрдами билан ялпи миллий маҳсулотининг 8-12% тақсимланади. Суғурта бадаллари йирик инвестицияларнинг манбаи ҳисобланади ва суғурта фондларидан давлат қарзларини тўлашда ҳам фойдаланилади.

Греция. Грецияда бизнес суғуртаси тизими хусусий ва давлат сектори ўртасидаги “ҳамкорлик”ни намоён этади. Давлат ўзининг давлат суғурта ташкилотлари ёрдамида мажбурий суғурта мукофотларини тўплайди, суғурталаш дастурини бошқаради ва зарарларни қоплаш бўйича кафил ҳисобланади.

Испания ва Португалия. Ушбу давлатларда ҳам бизнес суғуртаси тизими хусусий ва давлат сектори ўртасидаги “ҳамкорлик” муносабатларини намоён

этиб, давлат суғурта ва қайта суғурта мукофотлари учун субсидиялар ажратган ҳолда муҳим ўринни эгаллайди. Хусусий суғурта сектори бизнес суғуртасига суғурта дастурини бошқариш ва зарарларнинг бир қисмини қоплаш соҳасида жалб қилинган.

Италия, Франция, Австрия ва Германия. Мазкур давлатларнинг бизнес суғуртасида хусусий секторнинг асосий ўринни эгаллайди. Ушбу тўртта давлатлар суғурта мукофотини субсидиялаш жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилади, масалан, Германияда суғурта мукофотларига умуман субсидиялар ажратилмайди, Италияда эса бу субсидиялар ҳажми салмоқлидир.

АҚШ. Ушбу давлатнинг суғурта тизими бизнесни суғурталашнинг мураккаб тизимини намоён этиб, унда давлатнинг аралашуви 4 шаклда амалга оширилиши мумкин:

- (1) суғурта мукофотларини субсидиялаш;
- (2) хусусий суғурта компанияларининг маъмурий харажатларини қоплаш;
- (3) хусусий суғурта компанияларининг харид қилиш харажатларини (acquisition costs) компенсациялаш;
- (4) қайта суғурталашни таклиф қилиш.

Канада. Канадада бизнесни суғурталаш дастури (*CI*), бизнесменларнинг жамғармаларини субсидиялаш дастури (*NISA*) ва жамғармаларнинг анти-циклик хавфсизлиги тизимлари мавжуд бўлиб, бизнесменнинг ўтган уч йиллик даромадининг ўртача миқдорининг 70% даражасида ҳимояни таъминлайди.

Испания. Испания бизнес суғуртаси бўйича тажрибага энг бой ҳисобланади ва шунинг учун унда Европадаги табиий офатлар оқибатида фойдани йўқотишни суғурталашнинг энг самарали тизими шакллантирилган. 1920 ва 1970 йиллар давомида давлатнинг турли даражадаги аралашувини назарда тутувчи суғурталашнинг турли тизимлари амалиётда қўллаб

кўрилди. Мавжуд ва 1978 йилдан буён амалда бўлган суғурталаш тизими мазкур тажриба асосида шакллантирилган.

Давлат нафақат бизнесни балки, ҳосил ва чорвани суғурталашни ҳам субсидиялайди. Ўртача суғурта мукофотларини субсидиялаш 53%ни ташкил этади, яъни суғурта мукофотларининг 53%и давлат томонидан тўланади. Улардан 40-50%и марказий ҳукумат томонидан, 10-15%и эса ҳудудий ҳукуматлар томонидан субсидияланади.

Бизнесни суғурталаш дастурида уч турдаги суғурта полислари таклиф этилади:

- бир турдаги рискни қопловчи (exceptional);
- кўп турдаги рискларни қопловчи рисклар (multiple);
- ишлаб чиқарувчининг назоратидан ташқарида бўлган барча рискларни қопловчи (all-risk).

Суғурта дастурларининг юқоридагидек, кенг танлаш имкониятининг яратилиши унда барча бизнесменларнинг иштирокини таъминловчи асосий омил бўлди. Нима учун давлат бундай кенг қамровли ҳимоя билан ўз фаолиятини самарали амалга оширмоқда?

Биринчидан, франшизалар кенг қўлланилади, суғурта суммасининг умумий суммадаги даражаси 60%ни ташкил этади.

Иккинчидан, бизнесни суғурталашнинг аниқ тизимининг мавжудлиги. Айтиш мумкинки, Испанияда бизнесни суғурталаш молия сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу тизимга бизнесменлар, фермерлар, суғурта компаниялари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Молия вазирлиги жалб қилинган.

Испания бизнес суғуртаси тизимининг асосий хусусияти барча иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлиги йўналишининг қўлланилишидир. Тизимнинг барча иштирокчилари тизимнинг фаолияти доирасини белгилашда ва стратегик қарорларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этишади. Тизим барчага маъқул келади, чунки унинг барқарорлиги давлат томонидан

таъминланади. Бундан ташқари, тизим ушбу соҳада орттирилаётган тажрибадан келиб чиқиб, такомиллаштирилиб борилиши мумкин.

Бугунги кундаги ушбу тизимнинг муаммолари сифатида баъзи маҳсулотлар ва ҳудудлар учун мавжуд бўлган актуар дисбаланс, суғурта дастурлари бўйича хизмат кўрсатишнинг маълум қийинчиликлари, яъни барча ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун барча рискларнинг суғурталанмаслигини келтириш мумкин.

Европа тажрибасидан келиб чиқиб, тадбиркорларга суғурта ҳимоясини таклиф этишда унинг суғурта мукофотининг бир қисмини давлат ҳисобидан қоплаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Молия вазирлигининг бу жараёндаги вазифаси мувофиқлаштириш ҳисобланади. Молия вазирлиги қайта суғурталашнинг ташкилотчиси бўлиб ҳам ҳисобланади.

Кўпчилик мамлакатларда бизнесни суғурталаш марказлаштирилмаган ҳолда бошқарилади, ҳозирда бизнес суғуртасини бошқаришни марказлаштирилган ҳолда ташкил қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунинг учун зарар кўрган суғурта ташкилотларини фаолияти устидан назорат кучайтирилмоқда.

Жаҳон миқёсида мамлакатлар ўртасида суғурта алоқаларини кучайтиришда бизнес суғуртасини қайта суғурталаш операцияларини янада ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки давлатлар орасида олди сотли алоқалари жуда катта тезликда ривожланиб бормоқдадир.

I-боб бўйича хулоса

Мамлакатда бизнес суғуртаси ривожланишига бир қатор омиллар – мамлакатнинг умумиқтисодий ҳолати, инфляция даражаси, корхоналар даромадлари, молия-банк тизимининг ривожланганлик даражаси, ҳамда институционал омиллар сезиларли таъсир кўрсатади.

Суғуртани ривожланишининг жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, бизнес суғуртаси ихтисослашган суғурта ташкилотларининг суғурта портфелида муносиб ўринни эгаллаши лозим. Ғарб суғурта бозорларида йиғиладиган суғурта бадаллари бўйича бизнес суғуртаси барқарор етакчи ўринни эгаллаб, ривожланган мамлакатларнинг барча турдаги корхоналар фаолиятига кириб борган.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик фаолиятида тез учрайдиган рисклардан бири бўлган ишлаб чиқаришдаги узилишлардан суғурталаш турининг Англия, Америка ва Испания тажрибаларидан фойдаланган ҳолда мамлакатимиз учун қулай шартларда ушбу суғурта турини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тадбиркорларимиз фаолиятида учраб турадиган мазкур риск натижасида кўриладиган зарарларни қоплашда суғурта муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Юқорида биз бир нечта хорижий давлатлар суғурта компаниялари бизнес суғуртаси фаолияти билан танишиб чиқдик. Ушбу тажрибалар натижаси асосида керакли маълумотларга эга бўлиб, мамлакатимиз суғурта компаниялари бизнес суғуртаси экспертизасининг янада ривожлантириш мақсадида тегишли хулосалар чиқариш имконияти пайдо бўлди. Лекин, хориж тажрибасини тўғридан-тўғри мамлакатимизга олиб келиш ҳам ўз самарасини бермаслиги аниқ, шунинг учун хориж тажрибасини кўллашда ички имкониятларни ҳам изчил таҳлил қилиш зарурдир.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БИЗНЕСНИ СУҒУРТАЛАШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.

2.1. Ўзбекистонда бизнесни суғурталаш кўрсаткичлари ва суғурта компаниялари томонидан бизнесни суғурталаш ишларининг таҳлили.

Ўзбекистон суғурта бозори Марказий Осиёда энг тезкор суръатлар билан ривожланаётган бозорлардан бири ҳисобланади. Бозор бир неча йилдан бери барқарор ўсиш суръатига эга бўлиб келмоқда, бу эса ўз навбатида унинг мамлакат иқтисодиётидаги ролини ошириб бормоқда. Маълумки, мамлакат молия секторининг, шу жумладан, суғурта соҳасининг ривожини мамлакатнинг умумиқтисодий аҳволи билан чамбарчас боғланган. Суғурта соҳаси мамлакат иқтисодиётининг ривожини билан узвий боғлиқлиги сабабли, ушбу соҳа бизнесни суғурталаш мамлакатдаги умумиқтисодий ўзгаришларга жуда тез таъсирчан ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги замон иқтисодиётида бизнесни суғурталаш тизими стратегик аҳамият касб этмоқда, бунинг боиси суғурта тизимининг давлат сиёсати даражасига кутарганлиги, суғурта бозорининг давлат бошқаруви идоралари (органлари) томонидан мамлакатнинг бозор инфратузилмасининг ажралмас қисмларидан бири сифатида кўриб чиқиляётганлигидадир. Ундан ташқари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор бериляётганлиги ва ишлаб чиқаришнинг узликсизлигини таъминлашга қаратилляётган кенг кўламдаги тадбирларда ҳам кўришимиз мумкин.

Сўнгги йилларда бизнесни суғурталашнинг ривожланиши асосан суғурталовчилар сони жадал суръатларда кўпайиши ва бизнесни суғурталашдан тушган суғурта мукофоти ҳажми анча ошиши билан тавсифланади.

Ўзбекистонда суғурта бозорининг ривожланиши давлат миқёсида ижтимоий ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида қаралган бўлиб, мавжуд шарт-шароитлар, миллий суғурта анъаналари ва маданияти

хисобга олинган холда ислоҳ этилган ва миллий суғурта бозори ташкил топиши ва шаклланиши секин - асталик билан тубдан ўзгариб борган ва бир нечта босқичларни босиб ўтган¹¹.

Республикамиз суғурта бозори ислоҳ этилишини биринчи босқичи (1991-1996 йиллар) суғурта бозорига хусусий суғурта компанияларни кириб келиши ва Давлат суғуртаси (Госстрах)ни трансформацияси жараёни бошланиши билан боғлиқ бўлиб, шаклланаётган тадбиркорликнинг ҳуқуқий базаси билан қўллаб-қувватланган.

Иккинчи босқич (1997-2002 йй.) ни бугунги кунда пешқадам бўлган суғурта бозорининг асосий иштирокчилари шаклланган босқич деб атасак муболаға бўлмайди. Бу босқичда, Ҳукуматимиз раҳнамолигида бозор иқтисодиёти шароитига хос йирик суғурта компаниялари ташкил этилди. Бу босқични Ўзбекистонда суғурта фаолиятини Давлат томонидан назорат қилишни шаклланиши босқичи деб ҳам аташ мумкин.


Ўзбекистон суғурта бозори шаклланиб, ривожланишининг учинчи босқичи 2002 йил бошида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши билан бошланиб бугунги кунда ҳам давом этмоқда¹². Бу босқичда бир қатор суғурта агентлари фаолиятини, суғурталовчиларнинг активлари ва мажбуриятларини тартибга солувчи, суғурталовчининг раҳбарига ва бош бухгалтерига бўлган малака талаблари меъёрлари, суғурта ташкилотлари томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари борасидаги, суғурталовчиларнинг алоҳида суғурта таваккалчиликлари бўйича мажбуриятлари, жами мажбуриятларнинг йўл қўйиладиган энг кўп хажми ва

¹¹ Умаров С.А. “Становление и развитие рынка страховых услуг в Узбекистане», //Страховое дело, 2007 йил январь. 1-сон. 32-35 бетлар.

¹² Мирсодиқов М.А. “Этапы реформирования страхового рынка республики как важнейшего элемента финансовой инфраструктуры страны”. –Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари (Халқаро илмий-амалий конференция.) – Т.: “Молия”, 2005 й. 125-126 бетлар.

тўлов қобилияти меъёрларини аниқлашни тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар қайта ишланди ва янгилари қабул қилинди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан бизнесни суғурталаш тизими шаклланди ва унинг ҳар томонлама ривожланишига замин яратилди. Эндиликда бизнесни суғурталашда суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари эркин шароитда бозорда ўз мавқеини эгаллаш учун ҳар доимгидан фаолроқ ҳаракат қила бошладилар. Бизнесни суғурталашда қатнашчиларини 2.1.1. расмда кўришимиз мумкин.



2.1.1. Расм. Бизнесни суғурталашда қатнашчилари.

Бизнес суғуртаси мамлакатимиздаги ҳали яхши ривожланмаган, лекин истиқболли суғурта тармоқларидан ҳисобланади. Ушбу тармоқдаги ахвол кўп жиҳатдан миллий иқтисодиётда ва жамиятда бизнеснинг ривожланганлик даражасига боғлиқдир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда суғурта бозори, хусусан бизнес суғуртаси бозоридаги асосий муаммо - талабнинг етишмаслигидир.

Республикамизда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун тадбиркорларга бюджетдан ташқари фондлар ва тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳамда чет эл кредит линиялари ва халқаро молия ташкилотларининг грантлари ажратилмоқда. Ўз ўрнида бу маблағларнинг суғуртавий кафолатини таъминлаш зарурати ҳосил бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз суғурта компаниялари томонидан суғурта тарифларини ишлаб чиқиш ва захираларини шакллантиришда актуар ҳисоб-китобларнинг замонавий услубларидан фойдаланиш қониқарсиздир. Ҳали ёш тармоқ бўлганлиги сабабли, бу соҳада ишловчи замонавий билим ва етарли даражада малакали мутахассисларнинг етишмовчилиги ҳам сезилиб туради. Тажрибали мутахассисларнинг танқислиги бизнес суғуртаси маҳсулотини яратишдан бошлаб, уни суғурталанувчиларга етказишгача ва ундан кейинга жараёнларда яққол намоён бўлади. Суғурта бозори профессионал иштирокчилар ассоциацияси ўтказган тадқиқотларига кўра, суғурта компанияларда куйидаги мутахассисларга талаб юқори: суғурта агентлари 60%, андеррайтер (60%), ҳамда суғурта экспертлари (56%). Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, бизнес суғуртаси бўйича мутахассисларга талаб энг юқори даражада, ундан сўнг қайта суғурталаш ва жавобгарлик суғуртаси мутахассислари туради (48%).

Ҳозирги вақтда республикамизда бизнес суғуртаси, МДХнинг барча республикаларидаги каби, бозор тамойилларига ўтиш босқичидадир.

Шунинг айтиш мумкинки, бизнес суғуртаси маҳаллий иқтисослашган суғурта компанияларининг суғурта портфелида муносиб ўринни эгаллаши ва

улар тўпланган халқаро ва маҳаллий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятини жадаллаштиришлари лозим.

Ўзбекистон суғурта бозорида бизнес суғуртаси вазифалари, бир шахс томонидан эмас балки суғурта агенти, суғурта брокери, суғурта сюрвейери ҳамда аджастер каби суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан ёки суғурта компанияларининг профессионал билим ва малакага эга бўлган ходимлари томонидан бажарилмоқда. Қалтисликларни суғуртага қабул қилиш жараёни методик таъминланмаганлик ва суғурта бозори ривожланиб бораётган бир пайтда суғурта компанияларининг бизнес суғуртаси турлари бўйича сифатли суғурта маҳсулотларини амалга оширилишига бўлган талаблари кучайиб бормоқда. Ўзбекистон суғурта бозоридаги рақобат, суғурта компаниялари олдида янги поғонадаги масалаларни қўймоқда: қандай қилиб мижозларни ушлаб қолиш, қандай қилиб суғурта хизматлари сифатини ошириш ва бизнес суғуртаси рентабеллигининг керакли даражасини сақлаб қолиш ва ҳ.к.

Бунги кунда суғурта компаниялари асосан мажбурий суғурта тури билан шуғулланиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бозор иқтисодиёти шароитида бизнес суғуртаси тадбиркор ва бизнесменларни иш фаолиятини суғурталашда амалий кўмакчи бўлиши лозимдир. Агар суғурта компаниялари бизнес суғуртаси маҳсулотининг қанчалик фойда беришини ўз мижозларига етказа олишса, бу уларнинг энг оммабоб суғурта маҳсулотига айланиши аниқ.

Республика бўйича суғурта хизматлари кўрсатиш қамрови йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бу эса, суғурта компанияларининг суғурта бозорида суғурта маҳсулотларини таклиф қилиши ва мижозларга сифатли суғурта хизматлари кўрсатиши яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради. Режали иқтисодиёт даврида корхоналарнинг аксарияти давлат тасарруфида бўлганлиги ва бу хусусий мулкчилик ривожланишига тўсқинлик қилганлиги, кейинчалик мулкларни давлат тасарруфидан

чиқарилиши корхоналарнинг бизнес суғуртасига яъни химояга эҳтиёжи борлигини кўрсатиб берди.

Охирги йиллар давомида тадбиркорларнинг суғуртага бўлган муносабатлари тобора яхшиланиб, фуқароларнинг суғурталовчиларга бўлган ишончи ортиб, суғурта ишига жиддий ёндошилмоқда.

Сўнги йилларда бизнес суғурта турлари бўйича қабул қилинган қонунлар барча суғурта компанияларда ўзларининг янги суғурта тури бўйича суғурта маҳсулотларини кенгайтириш устида иш олиб боришларига тўртки бўлди. Бунинг натижасида республикамизнинг барча ҳудудларида агент тармоқларини моддий техника базалари мустаҳкамланди ва мутахассислар таёрланди.

Ўзбекистон суғурта бозорида кўп вақтдан буён йирик Давлат суғурта компаниялари илғорликни қўлдан бой бермай келишмоқда эди. Ўзбекистон суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган энг йирик суғурта ташкилотлари сифатида “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини, “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияларини келтириш мумкин. Лекин шундай бўлсада уларнинг бизнес суғуртаси бўйича суғурта бозордаги улуши пасайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин (2.1.2.-жадвал).

2.1.2-жадвал

2009-2013 йилларда умумий суғурта тармоғидаги бизнес суғуртаси мукофотларини йиғиш бўйича Республикамиздаги илғор суғурта компаниялари¹³

Компаниялар номи	Бозордаги улуши, %				
	2009	2010	2011	2012	2013
1. "Узагросуғурта" ДАСК	20,64	18,47	16,5	17,5	17,3
2. "Ўзбекинвест" МЭИСК	9,92	14,06	13,6	13,0	15,0
3. "Asia insurers" СК	11,78	8,26	10,0	8,4	10,1
4. "Кафолат" ДАСК	11,12	7,74	7,7	7,3	7,9
5. "Transinsurance plus" СК	7,22	6,95	6,8	6,5	7,9
6. "Капитал Суғурта" ОАЖ	2,92	5,84	5,4	4,7	4,6
7. "Алском" СК	3,32	4,23	5,0	4,4	4,5
8. "Alfa invest"СК	4,65	5,24	4,8	4,9	4,3
9. "Uvt inshurans" ШК	3,5	4,11	4,1	5,9	4,2
10"Temiryol-Sug'urta" СК	2,78	2,4	3,0	3,5	3,4

Суғурта бозорида бизнес суғуртаси ҳолатини характерловчи асосий кўрсаткичлардан бири, шубҳасиз йил давомида суғурталовчилар томонидан йиғилган суғурта мукофотларининг ҳажми ҳисобланади. Суғурта бозорида бизнес суғуртасининг кенгайиш ҳажмини, шунингдек ривожланиш даражасини кузатиш учун суғурта мукофотлари ҳажми ва таркиби билан боғлиқ кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www/mf.uz – интернет саҳифаси маълумотлари асосида муалиф томонидан тайёрланди

Бозор муносабатларининг ривожланиши турли нодавлат мулкчилик шакллари ва хусусий манфаатдорлик тушунчалари ривожланиб, бизнесни суғурталаш хизматларининг аҳамиятини тобора ошириб, уларга бўлган эҳтиёж ва талабнинг ортишига олиб келмоқда.

Таҳлилларга кўра, республикамиз бўйича бизнесни суғурталаш хизматлари кўрсатилиши қамрови охирги беш йилда сезиларли даражада ошган. Бу ҳолат суғурта компанияларни суғурта бозорида бизнес суғуртаси маҳсулотларини таклиф қилиши ва мижозларга сифатли суғурта хизматлари кўрсатилиши яхшиланиб, бизнес суғуртаси аста секин ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда мамлакатимиз суғурта бозорининг кескин суръатлар билан ривожланиб боришига гувоҳ бўлмоқдамиз. Буни ҳукуматимиз томонидан суғурта соҳасини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор туфайли дейиш мумкин. Суғурта фаҳолиятини янада такомиллаштириш дастури доирасида ҳукумат миқёсида соҳага оид бир нечта қонун ва қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, суғурта бозори иштирокчиларига фаолиятларини янада ривожлантириш учун кенг шароитлар яратилиб берилди. Шу билан бирга, жаҳон суғурта бозори босиб ўтган йўл ва Ўзбекистон суғурта бозорида тўпланган тажрибага асосланиб доимий тарзда қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштириб борилмоқда. Ўз навбатида, суғурта ташкилотлари ҳам бундай эътиборга жавобан республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётини барқарорлаштиришда ва тадбиркорларнинг ишлаш фаровонлигини янада оширишда ўзларининг муносиб улушини қўшиб келмоқда.

"Кафолат" ДАСК (ОАЖ) юридик шахсларга суғурта хизматларини кўрсатиш бўйича республикадаги етакчи компаниялардан бири ҳисобланади. Бундай натижага эришишда компаниянинг республика ҳудудларидаги 150 тадан ортиқ бўлинмалари муносиб ҳисса қўшмоқда. Айни вақтда компания томонидан 80 га яқин суғурта хизматлари таклиф этилаётган бўлиб,

шулардан 30 фоизидан ортиқ бевосита бизнес суғуртаси учун таклиф этилаётган суғурта маҳсулотларидир.

Бугунги кунда «Кафолат» ДАСК (ОАЖ) томонидан тадбиркорларга ҳар томонлама қулай, пасайтирувчи коэффициентларни ўз ичига олган ва ҳар томоннинг манфаатларига тўғри мос келувчи суғурта хизматлари таклиф этилмоқда.

Бизнесни суғурталаш турларидан бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, ишлаб чиқариш иморатлари ва мол-мулкни суғурталаш, транспорт воситалари суғуртаси, гаровга қўйилган мулкни суғурталаш, ипотека суғуртаси, лизинга берилган мулк суғуртаси, молиявий таваккалчиликларда суғурталаш каби қатор суғурта турлари билан аҳолига хизмат кўрсатилмоқда.

2013 йилда суғурта хизматлари кўрсатиш бўйича 65,4 мингта суғурта шартномалари имзоланди. Тақдим этилган суғурта хизматлари ҳажми 171,2 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этиб, келиб тушган суғурта мукофотлари ҳажми 600,2 млн. сўмни ташкил этди, бу ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан ошди.¹⁴

Тадбиркорлар билан ишлашни фаоллаштириш ва мазкур суғурта турларини ривожлантириш борасида бир қатор режали чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлиб, булар қаторига компанияда мазкур сегментга оид реклама ишларини кучайтириш, оммавий ахборот воситаларида реклама роликларини жойлаштириш, компания томонидан тадбиркорларга кўрсатиладиган суғурта турлари бўйича тахлилий материаллар тайёрлаш ва чоп этиб бориш, суғурта агентларининг бевосита тадбиркорлар билан жойларда ишларини такомиллаштириш мақсадида ҳар бир филиал ва бўлинмаларда пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш учун симсиз ишлайдиган терминал билан таъминлашни босқичма-босқич амалга оширишни киритиш мумкин.

¹⁴ "Кафолат" ДАСК (ОАЖ) интернет сайтидан олинган маълумотлар.

Компания томонидан кўрсатилаётган суғурта хизматларида имтиёзларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Суғурта бозорини ривожлантириш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг бизнесини суғурталашда кенг қатнашишини рағбатлантириш учун мол-мулкни ва ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари солиққа тортилмаслиги, кўрилган зарарлар бўйича компания томонидан тўланган маблағлар солиққа тортилмаслиги, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда суғурта мукофотини ҳисоблашда бир қатор суғурта қилдирувчиларга суғурта мукофоти суммасининг 50 фоизи миқдорида сийлов берилиши тушунтириб борилмоқда.

Компания томонидан Ўзбекистон қонунчилиги ва бизнес суғуртасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши ўзлаштирган, бизнес билан шуғулланувчи мижозларга тўғри йўл кўрсата оладиган, ҳушмуомала, талабчан, бизнесдаги риксларни кўра оладиган тушунадиган кадрларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Компанияда фаолият юритаётган барча ходимларни ўқитиш, суғурта агентларига янги жорий этилаётган бизнесни суғурталаш турларини тушунтириш бўйича алоҳида механизм ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, компания ички тизимида бизнес суғуртаси маҳсулотларини сотилишини таҳлил қилиниб, бизнес суғуртаси маҳсулотига керакли ўзгартиришлар киритиб бориш йўлга қўйилган. Худудларда компаниянинг янги ташкил этилаётган бўлинмаларига ёш, иқтидорли, ҳаракатчан ва талабчан кадрларни жалб этиш ва уларни Ватанимиз равнақи ва компания истиқболи учун виждонан хизмат қилишларига асосий эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, "Кафолат" ДАСКнинг кадрлар сиёсатида агентлик тармоқларини кенгайтириш орқали аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ходимлар малакасини мунтазам ошириб бориш, улар томонидан ўз функционал мажбуриятлари бажарилишини мониторинг қилиш каби йўналишлар устувор ҳисобланади. Компания бошқаруви қошида ўқув

маркази ташкил этилган бўлиб, унда компания ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари суғурта иши, менежмент, маркетинг, молия ва бошқа соҳага алоқадор билимлар юзасидан етакчи мутахассислардан маърузалар тинглайди.

Сўнги йилларда республикамиз ҳукумати томонидан тадбиркорларга хизмат кўрсатишда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда тадбиркорларга интерактив хизмат кўрсатиш компаниянинг веб-сайти орқали амалга оширилмоқда. Бундан ташқари айни кунда фаолиятни такомиллаштириш ҳамда автоматлаштириш, илғор ахборот технологиялари негизида суғурта хизматларини тақдим этишни шакллантириш учун ахборот-техник инфраструктура яратилмоқда. 2014 йилда «КАФОЛАТ - ОНЛИНЕ» База маълумотларини бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва ишга туширишни режалаштирилган. Ушбу тизим илғор Интернет технологиялари бўйича ишлайди, компаниянинг суғурта ва молия фаҳолияти, кадрлар сиёсати бўйича барча маълумотлар ягона маълумотлар базасида жамланади.

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида пластик карточкалар орқали савдо муносабатлари амалиётга киритилди. Компаниянинг деярли барча филиаллари, бўлим ва агентликларини, шу жумладан суғурта агентларини ҳам терминаллар билан таъминланиш даражаси доимий равишда ошириб борилмоқда. Бу кичик турдаги бизнес ва хизмат кўрсатувчи микро фирмаларни ҳам бизнес суҳуртаси маҳсулоти билан таъминланишида қулай имкониятлардан бири саналади.

Миллий суғурта хизматлари бозорининг бугунги кундаги ривожланиш босқичида тадбиркорларнинг суғурта маданиятини оширишнинг воситаларидан бири ҳамда суғурта хизматларини ривожлантириш ва тадбиркорлар ўртасида кенг жорий қилишда асосий шартлардан бўлиб кўрсатилаётган бизнес суғуртаси хизматларининг сифатини ошириш ҳисобланади. Шу сабабдан ҳар бир суғурта компанияси фаолиятининг муҳим жиҳати, шубҳасиз бизнес билан шуғулланувчи мижозларнинг ишончини

козониш ҳисобланади. Ва бу, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш ва биринчи навбатда суғурта ҳодисаси содир бўлганда қисқа муддатларда Суғурта копламасини амалга ошириш орқали эришилади. Суғурта шартномалари бўйича ўз мижозлари олдида қабул қилинган мажбуриятларни вақтида бажариш "Кафолат" ДАСК (ОАЖ)нинг устивор масалаларидан бири ҳисобланади. Жумладан, жорий йил мобайнида Компания томонидан тадбиркорлар (юримдик шахслар)дан келиб тушган 743та аризалар кўриб чиқилиб, улар бўйича 14068,0 млн.сўм суғурта копламалари тўлаб берилган. Бу бизнес суғуртаси тури бўйича суғурта хизматлари амалга оширилган.

Компанияда бизнес суғуртаси даъволарини сифатли ва тезкор кўриб чиқишни таъминлаш бўйича - минтақавий тармоғни кенгайтириш, суғурта копламаларини тўлаш масалаларини кўриб чиқувчи кадрлар малакасини ошириш, ассистанс хизматлари билан ишлашни фаоллаштириш, суғурталанган мол-мулкка етказилган зарар миқдорини аниқлаш юзасидан хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш, суғурта даъволари билан ишлашнинг услубий асосини такомиллаштириш, Компания фаолиятини шаффофлиги ва Компания тўғрисидаги маълумотларнинг очиқ-ойдинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясида “Бугун суғурта молия соҳасининг тез суръатлар билан ривожланаётган сегментларидан бири саналади. Хусусан, кейинги йилларда тизимнинг ҳуқуқий асосларини мустакамлаш мақсадида Парламент томонидан 10 та қонун қабул қилинди. Суғуртачиларга яратилган қулай шароитлар натижасида ўтган йили маҳаллий суғурта бозори 2007 йилга қараганда 4 баробарга ошиб, сектордаги ўсиш йилига 35 % ни ташкил қилмоқда”, - дея таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари Баҳром Юсупов.¹⁵

¹⁵ “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясида веб сайтидан олинган

Бугунги кунда суғурта бозорида 32 та компания аҳолига мажбурий ва ихтиёрий суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқда. 2013 йилда уларнинг капиталлашув даражаси 2,7 баробарга ўтганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса суғурта ташкилотларининг инвестицион фаоллигига ижобий таъсир қилмоқда.

Ўзбекистонда экспортга йўналтирилган суғурта маҳсулотларини ривожлантириш, компанияларнинг устав капиталини ошириш йўли билан янги суғурта масулотларини амалга жорий этиш, савдо каналларини кенгайтириш, қишлоқ жойларида суғурта хизматларини рағбатлантириш, бизнес суғуртаси хизматларини янада ривожлантириш, актуарий, сюрвейр, аджастр каби суғурта хизматларини ривожлантириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар хусусида ҳам амалий ишлар қилинмоқда.

"Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан тадбиркорларга кўрсатилаётган суғурта хизматлари турларини янада такомиллаштириш, имтиёз ва афзалликлар яратиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўтказилди. "Ўзбекинвест" ЭИМСК томонидан тадбиркорларга кўрсатилаётган суғурта хизматлари ва бизнес суғуртаси турларини янада такомиллаштириш, имтиёз ва афзалликлар яратиш бўйича Компания томонидан амалий ишлар қилинмоқда.

"Ўзбекинвест" ЭИМСК улкан тажриба, юқори малакали ва етук мутахассислар, кенг тармоқли инфратузилмага эга бўлган, маҳаллий суғурта бозорида етакчи ўринларни эгаллаб келаётган компаниядир. Бугунги кунда Компания ўз миқдорида умумий суғурта соҳасининг мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари бўйича 90 дан ортиқ сифатли суғурта масулотларини таклиф этмоқда.

Умуман, суғурта бозорининг молиявий инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган давлатимизнинг устувор вазифаларини бажариш натижасида суғурта бозорининг янги сегментларини ўзлаштириш ва янги суғурта масулотларини жорий этишга асосланган стратегик

йўналишларга содиқ қолган ҳолда «Ўзбекинвест» компанияси томонидан 2013 йил якунларига кўра асосий кўрсаткичлар бўйича ўсиш суратлари таъминланди. Хусусан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан суғурта мукофотлари ҳажми 125.1 фоизга ва қабул қилинган суғурта мажбуриятлари ҳажми 121,1 фоизга ўсди.¹⁶

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий итисодиётимизнинг барарор ўсиши ва ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади ва аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг турмушини яхшилашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда юртбошимиз бошчилигида ушбу соҳани янада ривожлантириш ва қўллаб қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. "Ўзбекинвест" компанияси ҳам мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланишини қўллаб-қувватлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, 2013 йил 9 ойлик якунларига кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган суғурта хизматлари ҳажми 117 фоизга ўсди.¹⁷

Бугунги кунда якка тартибдаги тадбиркор ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизматлар сифати, бизнес суғуртаси кўламини ошириш маҳаллий суғурта бозорининг асосий талаблардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада "Ўзбекинвест" компанияси томонидан зарур чора-тадбирлар амалга ошириб келмоқда. Жумладан 2012 йил январ ойида компания тизимида ташкил этилган Суғурта марказининг асосий вазифаси бу айнан якка тартибдаги тадбиркор жисмоний шахсларга кўрсатилаётган бизнес суғуртаси хизматлари, маҳсулотлари кўламини кенгайтириш ва бу борада уларга қулай имконият ва афзалликлар яратишдан иборатдир.

Бугунга келиб Компания томонидан миқозларга тақдим этилаётган суғурта хизматлари сони 90 дан ортиқ бўлиб, улардан 30 таси айнан тадбиркор шахслар учун мўлжалланган суғурта маҳсулотларидир. Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркор шахслар билан қарийб 76 мингта суғурта

¹⁶ "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компаниясида веб сайтидан олинган

¹⁷ "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компаниясида веб сайтидан олинган

шартномалари тузилган бўлиб, улар бўйича йиғилган суғурта хизматлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 130 фоизга ошган.

Суғурта компанияси фаолиятида мижозлар ишончини қозонишда асосий аҳамият касб этувчи омил бу суғурта тўловларининг ўз ватида тўлаб борилишидир. Шу йилнинг якунларига кўра тадбиркор шахслардан иборат мижозларга тўлаб берилган суғурта қопламаларининг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча ўсган.

"Ўзбекинвест" ЭИМСК Суғурта маркази ўз фаолиятида тадбиркорларга, хусусан республикамизнинг чекка ҳудудларида иш фаолиятини юритувчи мижозларга ўз хизматларини яқиндан тақдим этиш мақсадида республика ҳудуди бўйлаб фаолият юритаётган ҳудудий бўлинмалар ва малакали суғурта агентлари тармоғини янада ривожлантириш ва кенгайтириш юзасидан қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бунинг натижасида бугунги кунга келиб Компания ҳудудий бўлинмаларининг сони 111 тани ташкил этмоқда, шулардан 14 таси ҳудудий филиаллар, 97 таси суғурта бўлимлари ҳисобланади. Жисмоний ва юридик шахслардан иборат суғурта агентларининг сони 1014тани ташкил этмоқда.

Компания томонидан тадбиркорларга қулай ва мақбул нахрлардаги суғурта хизматларини тақдим этиш мақсадида, «Менинг соғлиғим» ва «Менинг бизнесим» номли ихчам, оммабоп ва кам ҳужжат талаб этиладиган суғурта маҳсулотлари ишлаб чиқилди ва компаниянинг барча филиаллари орқали тақдим этиб келинмоқда.

Тадбиркорларга кўрсатилаётган суғурта хизматларини янада такомиллаштириш, имтиёз ва афзалликлар яратиш бўйича Компаниянинг келгусидаги режалари бу:

- республикамизнинг чекка ҳудудларида иш фаолиятини юритувчи мижозларга ўз хизматларини яқиндан тақдим этиш мақсадида Қашадарё вилоятининг Косон, Навоий вилоятининг Конимех, Бухоро вилоятининг Бухоро туманларида яна 3 та янги суғурта бўлимини очиш ҳамда суғурта агентлари сонини 1254 тага етказиш;

- интернет тармоғи ва "СМС-ТОЛОВ" электрон тўловлар тизими орқали бизнес суғуртаси полислари сотишни йўлга қўйиш;
- тадбиркор шахсларга кўрсатилаётган суғурта хизматлари кўламини кенгайтириш ва юқори даражада ўсиш суръатларини таъминлаш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан фермер хўжаликларига кўрсатилаётган суғурта хизматлари кўламини кенгайтириш;
- "СМС" орқали ахборот хизматларини кўрсатиш тизимини жорий этиш. Бу тизим мижозлар ва давлат органлари вакилларига ўз телефонларидан " СМС" сўровнома юбориш орқали компания базасидан маълумот олиш имкониятини яратади.¹⁸

¹⁸ «Ўзбекинвест» ЭИМСК Бош директори ўринбосари Ж.Ризаевнинг матбуот анжуманида берган маълумотлар. «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясида веб сайтидан олинган

2.2. Йирик суғурта кампанияларининг бизнесни суғурталаш ишлари таҳлили. (Ўзагросуғурта ДАСК (ОАЖ) мисолида)

Компания мамлакат суғурта бозорида кўрсатаётган хизматлар сифати ва кўламини янада ошириш мақсадида доимий изланишлар олиб бормоқда. Ташкилот томонидан ишлаб чиқилган кадрлар сиёсати ва уни амалга оширишнинг аниқ механизмлари айнан шу мақсадларни кўзлайди. “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ)нинг кадрлар сиёсатида агентлик тармоқларини кенгайтириш орқали аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ходимлар малакасини мунтазам ошириб бориш, улар томонидан ўз функционал мажбуриятлари бажарилишини мониторинг қилиш каби йўналишлар устувор ҳисобланади. “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) Бошқаруви қошида ўқув маркази ташкил этилган бўлиб, унда компания ва унинг ҳудудий бўлинмалар ходимлари суғурта ишининг турли жабҳалари юзасидан етакчи мутахассислардан маърузалар тинглайди. Ўтган икки йил давомида ушбу марказда компаниянинг 500 га яқин ходимлари ўз малакасини оширдилар. Бундан ташқари, компания бўшаган иш ўринларини тўлдириш мақсадида доимий равишда олий ўқув юртларининг битирувчилари ўртасида танлов эълон қилиб, улар ичидаги энг иқтидорли талабаларни танлаб олади. “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) ходимлари орасида шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва Банк-молия академиясида таҳсил олиб, хорижий молия институтларда малака ошириб келганлари ҳам анчагина.

Мамлакат суғурта бозорида бизнес суғуртасини янада ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшиш, қолаверса компанияда бизнес суғуртаси мижозлари сонини ошириш мақсадида “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) бир қанча истиқболдаги режаларини белгилаб олган. Булар ҳар бир тадбиркорга яъни мижозга индивидуал ёндошган ҳолда кўрсатилаётган бизнес суғуртаси хизматлари сифатини янада ошириш чораларини кўриш, минтақавий бўлимларида бизнес суғуртасини ривожлантириш, фермер

хўжаликлари ва қишлоқ маҳсулотларини етиштирувчи тадбиркорларни бизнес суғуртаси маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда шу орқали бизнес суғуртасининг ҳимояси даражасини юксалтириш каби масалаларни ўз ичига олади.

“Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) томонидан амалга ошириладиган суғуртанинг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

➤ қишлоқ хўжалик корхоналари ва қишлоқ аҳолисини мажбурий суғурта қилиш; яъни:

- а) тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар қайтарилиши учун қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жавобгарлигини суғурта қилиш;
- б) масулотларни етиштириш бўйича аванс тариқасида бериладиган ва фючерс шартномалари бўйича маблағларни айтирилишини суғурта қилиш;
- в) қишлоқ фукароига тегишли мол-мулкни суғурта қилиш;
- г) гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилиш;

➤ қишлоқ хўжалик корхоналарини ихтиёрий суғурта қилиши яъни:

- а) экинлар хосилини суғурта қилиш;
 - б) экинларни қайта экишни ва олдин чиққан экинларни бутлашни суғурта қилиш;
 - в) чорва молларини суғурта қилиш;
 - г) асосий воситаларни суғурта қилиш;
 - д) табиий пичанзорларни, яйловзорларни ва тут баргини суғурта қилиш;
 - е) пиллани суғурта қилиш;
 - ё) боғлар ва узумзорлар хосилини дўл уришдан суғурта қилиш;
 - ж) корхоналар, деҳқон, фермер ва ижара хўжаликларнинг мол-мулкни суғурта қилиш;
- з) қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари томонидан жўнатиладиган юкларни суғурта қилиш.

Корхоналар бизнесини молиявий таваккалчиликлардан суғурталаш, жавобгарлигини ва мол-мулкни ихтиёрий суғурта қилиш, шаҳарларда жойлашган давлат, хусусийлаштирилган, қўшма, кичик ва хусусий

корхоналар ва ташкилотларни жавобгарлиги ва мол-мулкани суғурта қилиш ва бизнесини суғурта қилишга қаратилган.

“Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) шунингдек, банк молиявий муассасалар билан ҳамкорликда кўпгина устувор йўналишларга қаратилган ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилаётган, лизингга олинаётган мулкларнинг зарарланиши ёки йўқотилишидан суғурталаш, ипотека суғуртаси, банкларни комплекс суғурталаш, кредит олувчини ҳамда пластик карталар эгаларини бахтсиз ходисалардан суғурталаш каби суғурта хизматларини амалга ошириб келмоқда. Бундан ташқари, компания ҳар бир молия ташкилотига унинг фаолияти туридан келиб чиққан ҳолда индивидуал ёндошиб, уларнинг тадбиркорлик фаолиятида юз берадиган хатарлар даражасининг камайишига ҳам ўз ҳиссасини қўшиш орқали суғуртавий ҳимоя даражасини орттириб келмоқда. Бундай вазиятлар учун тўлаб берилаётган суғурта товонлари қарздорнинг қарз берувчи олдидаги ўз мажбуриятларининг вақтида бажарилишига хизмат қилади. Хусусан, “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) томонидан 2013 йилда гаровга қўйилган мулк суғуртаси 380,0 млн. сўмга яқин (шу жумладан, гаровга қўйилган транспорт воситаларини суғурталаш бўйича 260,0 млн. сўмга яқин), лизинг суғуртаси бўйича 94,8 млн. сўмлик суғурта товони тўлаб берилган. Ушбу маблағлар банклар томонидан тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларга берилган кредитларнинг қайтарилишида салмоқли ўринни эгаллади. Бу суғурталаш тури тадбиркорни ўз ишини энди юрита бошлаган бизнесменларнинг иш фаолиятидаги кутилмаган зарарлардан ҳимоя қилади.

“Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) томонидан тадбиркорлик фаолиятини молиявий таваккалчиликлардан суғурталаш шартномаси асосида амалга оширилади.

Ушбу шартнома шартларига кўра, Суғурта қилдирувчилар қуйидаги молиявий таваккалчиликлардан суғурталаниши мумкин:

- ❖ Суғурта қилдирувчининг тадбиркорлик фаолиятини унга боғлиқ бўлмаган омиллар таъсирида узилиб қолиши билан боғлиқ бўлган молиявий таваккалчиликлардан зарар кўрганда;
 - ❖ Олдиндан назарда тутилмаган харажатлар натижасида Суғурта қилдирувчи зарар кўрганда шартнома шартларига мувофиқ уларни коплаш билан боғлиқ бўлган (Суд муҳокамаси билан боғлиқ кўрилган харажатлар натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўрганда суғурта товонини таъминлашдан ташқари) молиявий таваккалчиликлар;
- “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) томонидан қуйидагилар суғурта ходисалари ҳисобланмайди:

- Суғурта қилдирувчиларнинг тадбиркорлик фаолияти жараёнида унга боғлиқ бўлган омиллар (ишлаб чиқариш технологияларига ва бошқа ташкилий фаолият билан боғлиқ талабларга риоя қилмаслик ва х.к.) таъсирида хўжалик фаолиятини узилиб қолиши ёки амалга оширилаётган бизнес (хўжалик фаолияти) кўламининг камайиши натижасида зарар кўриши;
- Суғурта қилдирувчининг айби билан амалга оширилган олдиндан назарда тутилмаган харажатлар натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўриши (Суд муҳокамаси билан боғлиқ кўрилган харажатлар натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўрганда суғурта товонини таъминлашдан ташқари);
- Суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолияти жараёнида шартномалар тузилиши ва бажарилиши билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш натижасида ушбу шартноманинг юқорида кўрсатилган икки ҳолатдан бошқа нобудгарчиликка учраш натижасида Суғурта қилдирувчи зарар кўриши.

Суғурта қилдирувчи, Суғурта шартномасини тузишни сўраб ёзган аризаси билан бирга молиявий таваккалчиликларни суғурта қилишга тегишли бўлган қуйидаги барча ҳужжатлар тўпламини Суғурталовчига яъни “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) такдим этади:

- бизнес режа нусхаси;
- корхона фаолиятига тегишли бўлган хужжатлар;
- молиявий ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар;
- кутилаётган молиявий кўрсаткичлар, шартнома ва бошқалар.

Суғурта жавобгарлиги, суғурталовчи томонидан зарарни қоплаш учун тўланадиган суғурта товони миқдорига камаяди ва шу билан бирга суғурта жавобгарлиги мазкур шартномадаги суғурта жавобгарлиги миқдоригача қўшимча суғурта мукофоти тўлаш йўли билан етказилиши мумкин.

“Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ), суғурта пули доирасида жавобгарлик олиб боради. Компанияга шартномада кўрсатилган муддатларда суғурта мукофотлари тўланмаса шартнома кучга кирмайди. Суғурта мукофоти тўлиқ тушмаса, суғурта жавобгарлиги тушумга нисбатан мутаносиб равишда олиб борилади. Мазкур шартнома бўйича барча ҳисоб-китоблар сўмда олиб борилади. Суғурта мукофоти суғурта қилдирувчи томонидан шартнома тузилган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида бир йўла тўлиқ тўлаб берилади. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан (шартномада белгиланган кунда суғурта мукофоти тўланган бўлса) бошлаб кучга киради ва шартномада белгиланган муддат мобайнида амал қилади.

“Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) суғурта ҳимоясини тақдим этиш бўйича ўз мажбуриятларини мазкур шартнома бўйича суғурта мукофотини белгиланган муддатда тўлаб берган тақдирда, бажаришга киришади.

Суғурта полиси, суғурта шартномасига асосан ҳисобланган суғурта мукофотлари ўрнатилган муддатда компаниянинг депозит рақамига келиб тушгандан сўнг 3 (уч) кун ичида берилади. Суғурта мукофотлари қўшимча қиймат солиғисиз ҳисобланади. “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ)нинг суғурта шартномаси бўйича жавобгарлиги ҳисобланган суғурта мукофотлари белгиланган муддатда компаниянинг депозит рақамига келиб тушгандан сўнг бошланади.

Суғурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, суғурта мукофоти қайтарилмайди. Компаниянинг фаолияти тугатилганда,

суғурта шартномаси ҳаракати ҳам тугатилади, агарда қайта ташкил этилса унга тегишли барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг қонунчилик асосида белгиланган ворисига ўтади.

Суғурта қилдирувчи томонидан мазкур суғурта шартномасида белгиланган муддатларда суғурта мукофоти тўланмаган бўлса, компаниянинг шартнома бўйича мажбуриятлари тўхтатилиб турилади ва ушбу мажбуриятлар тўхтатилгандан кейин содир этилган ҳодисалар бўйича даъво ва аризалар кўриб чиқилмайди. “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) ўз мажбуриятларини бажаришга суғурта қилдирувчи томонидан муддати ўтган суғурта мукофотлари тўланган кундан бошлаб киришади, лекин суғурта муддати ўзгармай қолади.

Агар суғурта ҳодисаси муддати ўтиб кетган навбатдаги суғурта мукофоти тўланган кундан олдин содир бўлган бўлса, бу ҳолда “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) тўланган суғурта мукофотига мутаносиб равишда суғурта товонини тўлаш ва муддати ўтган суғурта мукофоти миқдорини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Суғурта шартномаси тузиш учун ариза бериш вақтида суғурта қилдирувчига суғурта ҳодисаси рўй бергани маълум бўлган бўлса, бу ҳолда компаниянинг мажбуриятлари вужудга келмайди.

Суғурталовчининг (“Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) ҳуқуқлари:

- Суғурта объектининг ҳолатини, сақланиш шароитини суғурта шартномаси амал қилган даврда ва суғурта ҳодисаси содир бўлганда текшириш;
- Суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси шартларини бажармаганда, суғурта шартномасини бекор қилиш;
- Ушбу шартнома ва қонунчиликда белгиланган тартибда суғурта товонини тўлашни рад этиш;
- Суғурта объектининг зарарланиши ёки нобуд бўлишига айбдор шахслар аниқланган ҳолларда тўланган суғурта товонини улардан ундириб олиш ҳақида даъво қилиш.

“Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) томонидан тадбиркорлик фаолиятини молиявий таваккалчиликлардан суғурталаш шартномаси асосида суғурталовчининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Суғурта қилдирувчини амалдаги шартнома шартлари билан таништириш;
- Суғурталанган объектлар бўйича суғурта қилдирувчи билан биргаликда мунтазам мониторинг ўтказишни ташкил қилиш;
- Суғурта қилдирувчининг молиявий ҳолатларига салбий таъсир кўрсатадиган шартнома мажбуриятларини бажармаслик ҳолатлари бўйича (хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан тузилган шартномалар бўйича) батафсил маълумот олиш;
- Суғурта қилдирувчига белгиланган муддатда суғурта полисини ёзиб бериш;
- Суғурта мукофотлари тўланишини назорат қилиш;
- Суғурта қилдирувчидан суғурта ҳодисаси тўғрисида хабарнома тушгач, суғурта ҳодисаси натижасида суғурта объектларига етказган зарарни аниқлаш ва тегишли ташкилотлар вакиллари иштирокида маълумотнома тузиш;
- Суғурта ҳодисаси натижасида кўрилган зарар учун суғурта қилдирувчига белгиланган тартибда ва муддатларда суғурта товонини тўлаб бериш.

Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

- Суғурта шартномасида келишилган шартларни бажаргандан кейин суғурта полисини суғурталовчидан олиш;
- Суғурта шартномаси амал қилган даврда суғурта шартномасига доир саволларга суғурталовчидан тўлиқ жавоблар олиш, ушбу шартнома шартлари билан танишиш;
- Суғурта ҳодисаси содир бўлганда ушбу шартнома шартларига асосан суғурта товонини олиш.

Тадбиркорлик фаолиятини молиявий таваккалчиликлардан суғурталаш шартномасида суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари қуйидагилар ҳисобланади:

- Суғурта шартномада белгиланган муддатларда суғурта мукофотини тўлаш;
- Суғурта шартномасига асосан суғурта ходисаларини рўй бермаслиги учун барча чораларни кўриш, суғурта шартномаси шартларини белгиланган муддатларда бажариш, уни бузмаслик учун барча чора-тадбирларни кўриш;
- Мониторинг ўтказишда қатнашиш ва зарур бўлган шароитларни яратиш;
- Суғурта хавфини ортишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар маълум бўлганда суғурталовчини хабардор қилиш;
- Суғурта ходисаси содир бўлганда суғурталовчига ёзма равишда ушбу шартноманинг белгиланган муддатда хабарнома бериш ва суғурта товони аниқлаш учун зарур бўладиган ҳужжатларни тақдим этиш;
- Юридик манзили, банк реквизитлари, суғурта қилдирувчи ўзгарганда, қайта ташкил қилинганда ёки тарқатиб юборилганда суғурталовчига бу ҳақида хабарнома бериш;
- Суғурта шартномасига асосан молиявий таваккалчиликлар бўйича зарарларни келиб чиқиш сабаблари бўйича барча ҳужжатлар тўпламини (хизмат кўрсатувчи ва бошқа юридик шахслар билан тузилган хўжалик шартномалари) суғурталовчига тақдим қилиш.

Суғурта қилдирувчи, суғурта шартномасига асосан белгиланган суғурта таваккалчиликлари натижасида суғурта ходисасини келтириб чиқарувчи ҳолатлар содир бўлганда ёки суғурта ходисаси натижасида зарар кўрганда, “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ)га 3 (уч) кун ичида бўлиб ўтган

ходиса тўғрисида ёзма равишда хабарнома беради. Хабарнома эркин ҳолда ёзилган бўлиб, унда ходиса рўй берган ой, кун, давр, содир бўлган ходисанинг номи, давом этиш муддати, тезлиги ёки жадаллиги, суғурта объекти қай тарзда зарарланганлиги, суғурта ходисаси учинчи шахслар айби билан содир бўлган тақдирда, улар ҳақида маълумотлар бўлиши шарт.

“Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) тадбиркорлик фаолиятини молиявий таваккалчиликлардан суғурталаш шартномасига асосан хабарномани олгандан сўнг суғурта шартномасида белгиланган муддат ичида суғурта ходисаси рўй берган суғурта объектини ўрганиб ва суғурта ходисаси тўғрисида маълумотнома тузади. Маълумотнома тегишли ташкилотлар вакиллари иштирокида ҳам тузилиши мумкин. Суғурта қилдирувчи, суғурта ходисасини келтириб чиқарган ҳолатлар бўйича барча ҳужжатларни компанияга тақдим этади. Компания тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш ва зарур ҳолатларда, бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиши мумкин. Суғурта товларининг ҳажми тегишли ташкилотлардан олинган маълумотлар асосида, суғурта қилдирувчининг молиявий хўжалик фаолиятидаги дастлабки бухгалтерия хисоботлари тўғрисидаги маълумотларга ва шартнома мажбуриятларига асосан аниқланади.

Суғурта товони ҳақиқатда кўрилган зарар, лекин суғурта полисида белгиланган суғурта пулидан ошмаган ҳолда тўлов комиссиясининг қарори асосида суғурта ходисаси тасдиқланиб тузилган далолатнома бўйича 5 (беш) банк куни ичида тўланади.

Тадбиркорлик фаолиятини молиявий таваккалчиликлардан суғурталаш шартномаси бўйича “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) компания қуйидаги ҳолатларда суғурта товони тўлашни рад этади: яъни суғурта шартномасининг амал қилиши суғурта ходисаси юз бергунга қадар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 948 ва 950-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилинганда, суғурта шартномаси Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган асослар бўйича ўз-ўзидан

хақиқий бўлмаганда, суғурта ҳодисаси, суғурта қилдирувчининг ёки унинг кўпол эҳтиётсизлиги оқибатида юзага келганда, суғурта ҳодисаси ҳақида белгиланган муддатда хабар берилмаганлиги туфайли, суғурта объектига етказилган зарар сабабини ва зарар миқдорини аниқлаб бўлмаса, зарар, суғурта объектини нобуд бўлиши ёки зарарланишини содир қилган шахс томонидан қопланган бўлса, суғурта қилдирувчи эҳтимол тутилган зарарни камайтириш учун чоралар кўрмаган бўлса.

Форс-мажор ҳолати юзага келганда яъни уруш ва ҳарбий ҳаракатлар (уруш эълон қилинганлигидан ёки қилинмаганлигидан қатъий назар), ғалаён, инқилоб, кўзғолон, исён, фитна, иш ташлаш, локаут, ҳукуматни ноқонуний равишда эгаллаб олиш, террорчилик ҳаракатлари, мусодара қилиш, реквизиция, ҳуқуқий ёки ҳақиқатдаги ҳукумат ёки унинг таркибий қисми топшириғига асосан бузилиб ташланиши ёки зарар келтириш ҳаракатлари, ядро реакцияси, ядро нурланиш ёки радиоактив зарарланиши натижасида ёки нобуд бўлиши ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қисман ёки тўлиқ тўлашдан суғурталовчи озод этилади.

Суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодисаси натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан (аниқланганда) талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида суғурталовчига ўтади. Компанияга ўтган талаб қилиш ҳуқуқи унинг томонидан суғурта қилдирувчи ва зарар учун жавобгар бўлган шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Суғурта қилдирувчи ўзига талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) бериши ҳамда барча маълумотларни унга маълум қилиши шарт ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи, компания томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки бу ҳуқуқни амалга ошириш суғурта қилдирувчининг айби билан мумкин бўлмаган бўлса, компания суғурта товонини тўлиқ ёки унинг тегишли қисмини тўлашдан озод қилинади ва суғурта товоннинг ортиқча тўланган суммасини қайтаришни талаб қилишга

ҳақли бўлади. Суғурта қилдирувчи ҳар қандай вақтда ўз маблағи ҳисобидан компанияга суғурта ҳодисаси билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар (Суғурта ҳодисасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси ва ҳодиса тафсилотлари ҳақида далолатнома)ни ишлаб чиқиши, харид қилиши ва тақдим этиши шарт. Ушбу ишларни компания ўз ҳисобидан амалга ошириши мумкин.

Томонлар суғурта шартномаси шартларини ва бошқа келишув мазмунини ўзга шахсларга (ёзма розиликсиз) етказмасликни ва сир сақлашни кафолатлайди.

Мазкур тадбиркорлик фаолиятини молиявий таваккалчиликлардан суғурталаш шартномасининг шартларини бажармаганлик ёки керакли даражада бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунда белгиланган, жавобгарликни тенг даражада олиб борадилар. Тадбиркорлик фаолиятини молиявий таваккалчиликлардан суғурталаш шартномасидан келиб чиқадиган барча бахс ва мунозаралар ўзаро келишувга биноан, келишиш имкони бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида кўзда тутилган амалдаги қонунчиликка асосан ҳал этилади.

Мазкур тадбиркорлик фаолиятини молиявий таваккалчиликлардан суғурталаш шартномаси икки ёки уч нусхада тузилган бўлиб, “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) ва “Суғурта қилдирувчи”да битта нусхадан сақланади ва уларнинг ҳар бири бир хил ҳуқуқий кучга эга.


“Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) бўйича бизнес суғуртаси ва молиявий таваккалчиликларни суғурталаш тури тўғрисида 2.2.1-жадвал

МАЪЛУМОТ (2008-2013 йиллар бўйича)¹⁹

(минг сўмда)


т/р	Кўрсаткичлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
1.	Суғурта шартномалари сони	73203	31283	22739	21395	24371	20373
2.	Келиб тушган суғурта мукофоти (минг сўмда)	5812654	5216591	3965385	4376128	6477004	7630827
3.	Олинган суғурта жавобгарлиги (минг сўмда)	143900482	110167829	127790456	99632189	144695172	164450845
4.	Суғурта қопламалари суммаси (минг сўмда)	2583302	3128128	1760617	1728904	2810160	2783497

Суғурта мукофотларининг устун шаклдаги кўриниши: 2.2.2- чизма



¹⁹ “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Суғурта шартномаларининг устун шаклдаги кўриниши: 2.2.3- чизма



“Ўзагросуғурта” ДАСК Ушбу жадвал маълумотларига кўра бизнес суғуртаси ва молиявий таваккалчиликларни суғурталаш бўйича 2008 йилда 73 203 та суғурта шартномаси тузилган бўлиб, бу кўрсаткич 2013 йилга келиб сал кам 3 баробар яъни 20 373 тага тушуб кетганини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири фермер хўжаликлари фаолиятининг кенгайиши ва кичик фермер хўжаликлари фаолияти тугатилганлигидан дейиш мумкин. Келиб тушган суғурта мукофоти 2008 йилда 5 812 654 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2013 йилда 7 630 827 минг сўмни ташкил этади. 2009 йилдан бошлаб бу кўрсаткичлардан шу нарса маълумки бизнесни суғурталаш бўйича суғурта маҳсулотининг сотилиши компания томонидан пасайиш кузатилган. Олинган жавобгарлик келиб тушган суғурта мукофотига мос равишда пасайишни кўришимиз мумкин. Суғурта қопламалари 2008 йилда анча юқори бўлган яъни 2583302 минг сўмни, 2009 йилда ундан ҳам юқори кўрсаткичда бўлган 3128128 минг сўмни ташкил қилган. Бунинг асосий сабаби 2008 йилда бошланган Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi сабаблардан бири саналади. Бу инқироз сабабли кўпгина тадбиркорлик субъектлари жиддий зарар кўришди. Бу инқироздан кўрилган

зарарни суғурта компанияси қоплаб берди. Кейинги йилларда ҳам тадбиркорларга фаолиятида кўрган зарарларини қоплаб беришда компания сусткашликка йўл қўймаганлигини кўришимиз мумкин. 2012 йилда бизнес суғуртаси бўйича суғурта қопламаси 2810160 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2013 йилда 2783497 минг сўмни ташкил қилган.

“Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) бўйича бизнес суғуртаси ва молиявий таваккалчиликларни суғурталашдан таъминланган суғурта мукофотлари тўғрисида 2.2.4-жадвал

МАЪЛУМОТ (2008-2013 йиллар бўйича)²⁰

(минг сўмда)

Бўлинмалар	2008 й	2009 й	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й
Қорақалпоғистон Рес.	286 952	252 198	152 500	127 690	110 188	534 466
Андижон	514 280	420 838	239 633	324 050	401 600	263 546
Бухоро	177 626	297 917	252 130	265 988	260 699	456 464
Жиззах	338 927	333 467	5 662	32 583	356 412	428 464
Қашқадарё	696 734	751 677	709 030	764 987	1 402 654	1 354 118
Навоий	111 428	90 241	124 376	179 317	331 426	227 544
Наманган	405 906	308 901	391 444	319 602	595 528	988 423
Самарқанд	522 288	385 068	290 810	376 018	595 016	439 699
Сурхондарё	438 252	366 250	304 695	275 039	472 600	605 188
Сирдарё	310 856	437 243	371 114	307 041	318 950	642 582
Тошкент	779 467	587 361	210 101	482 210	549 684	765 342
Фарғона	819 060	651 503	474 152	676 886	835 952	667 652
Хоразм	284 143	247 162	290 544	170 768	192 187	247 598
Тошкент ш.	126 735	86 765	149 194	73 950	54 108	9 503
Жами	5 812 654	5 216 591	3 965 385	4 376 128	6 477 004	7 630 827

²⁰ “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) томонидан берилган маълумотлар асосида тайёрланган

Бу жадвалда Ўзагросуғурта ДАСК (ОАЖ) вилоятлар бўйича олти йиллик бизнес суғуртаси ва молиявий таваккалчиликлардан суғурталаш натижасида тушган суғурта мукофотлари тўғрисида маълумот келтирилган. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики вилоятлар ичида бизнес суғуртасидан тушган энг кўп суғурта мукофоти Қашқадарё вилоятига тегишлидир. Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқариш ва бизнес анча ривожланганлигини ва бу ривожланишда бизнес суғуртасининг ҳам ўрни катталигини кўриш мумкин. Қашқадарё вилоятида 2008 йилда 696 734 минг сўм суғурта мукофоти келиб тушган бўлса, бу кўрсаткич кейинги 5 йил ичида пасайиш кузатилмаганлигини пайқаш қийин эмас. 2009 йилда 751 677 минг сўм, 2010 йилда 709 030 минг сўмни, 2011 йил 764 987 минг сўмни, ташкил қилган бўлса 2012 йилдан келиб 2011 йилга нисбатан 637 667 минг сўм суғурта мукофоти келиб тушган. Ўтган 2013 йилда бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 589 131 минг сўм кўпроқ суғурта мукофотлари келиб тушган. Кейинги ўринда Наманган вилояти ўрин олган. Наманган вилоятида ҳам Ўзагросуғурта ДАСК компанияси бизнесни суғурталаш бўйича бошқа вилоятларга қараганда анча юқорилигини кўриш мумкин. Масалан 2008 йилда 405 906 минг сўм, 2009 йилда 308 901 минг сўмни ташкил қилган. Бу йилда пасайиш кузатилган. 2012 йилда 595 016 минг сўмни 2013 йилда 988 423 минг сўмни яъни ўсиш суратини кўришимиз мумкин.

Андижон вилояти саноатлашган шаҳарлардан бири бўлишига қарамай бу вилоятда бизнес суғуртаси анча йилдан йилга пасайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. 2008 йилда бизнес суғуртаси ва молиявий таваккалчиликлардан суғурталаш бўйича келиб тушган суғурта мукофотларининг жами суммаси 514 280 минг сўмни ташкил этади. 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 93 442 минг сўм кам суғурта мукофоти келиб тушган. 2010 йили ундан ҳам кам тушган, 2008 йилга нисбатан 274 647 минг сўм кам. 2011 йилда суғурта мукофотларида ўсишни кўришимиз мумкин. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 84 417 минг сўм кўп суғурта мукофоти жалб

қилинган. 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 161 967 минг сўм кўпроқ суғурта мукофотлари келиб тушган. 2013 йилга келиб суғурта мукофотлари жалб қилиниши камайганлигини кўришимиз мумкин. 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 138 054 минг сўм кам суғурта мукофоти келиб тушган. Тошкент шаҳрида бизнесни суғурталаш анча суст даражадалигини кўриш мумкин. Чунки марказ бўлганлиги учун бу ерда рақобат анча кучлидир. Шу сабабдан Тошкент шаҳрида бизнесни суғурталашда суғурта мукофотларини жалб этиш анча мушкул вазифалардан бўлиб қолмоқда.

“Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) бўйича 2013 йил давомида бизнес суғуртаси ва молиявий таваккалчиликларни суғурталашдан амалга оширилган суғурта товонлари тўғрисида. 2.2.5-жадвал

МАЪЛУМОТ ²¹

(минг сўмда)

Бўлинмалар	Келиб тушган суғурта мукофоти	Олинган суғурта жавобгарлиги	Суғурта шартномалари сони	Суғурта даъволари бўйича шартномалар сони	Суғурта қопламалари суммаси
Қорақалпоғистон Рес.	534 466	11 336 638	2 174	218	1 061 474
Андижон	263 546	5 750 593	912	3	11 253
Бухоро	456 702	25 130 540	1 408	57	135 515
Жиззах	428 464	8 299 813	528	40	320 516
Қашқадарё	1 354 118	26 546 132	4 222	136	250 865
Навоий	227 544	3 249 779	693	20	38 799
Наманган	988 423	22 031 998	1 449	83	263 185
Самарқанд	439 699	8 675 998	1 615	56	210 488
Сурхондарё	605 188	11 089 983	1 991	26	48 671
Сирдарё	642 582	10 108 856	1 175	2	5 564
Тошкент	765 342	13 788 737	1 491	55	174 900
Фарғона	667 652	12 703 947	1 773	105	255 510
Хоразм	247 598	4 385 163	931	3	6 757
Тошкент ш.	9 503	1 422 673	11		
Жами	7 630 827	164 450 845	20 373	804	2 783 497

Бу жадвалда 2013 йилда Ўзагросуғурта ДАСК (ОАЖ) томонидан бизнес суғуртаси ва молиявий таваккалчиликларни суғурталашдан амалга оширилган суғурта товонлари тўғрисидага маълумотлар вилоятлар миқёсида келтирилган. Қорақалпоғистон Республикасида 2013 йилда жами 2 174 та суғурта шартномаси тузилган бўлиб. Келиб тушган суғурта мукофоти 534 466 минг сўмни ташкил қилмоқда. Суғурта даъволари бўйича

²¹ “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) томонидан берилган маълумотлар асосида тайёрланган

шартномалар сони 218 тани ташкил қилиш бу суғурта лаъволари бўйича тўлаб берилган суғурта жавобгарлиги суммаси 1 061 474 минг сўмни ташкил қилади. Бизга маълумки Орол денгизининг пасайиши натижасида бу ерда бизнеснинг ривожланиши учун этарлича муаммолар бор. Шу туфайли суғурта товонлари катта миқдорни ташкил қилмоқда. Жиззах вилоятида 2013 йил ҳисоби бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари суммаси 428 464 мингсўмни ташкил қилган бўлса олинган жавобгарлик 8 299 813 минг сўмни ташкил этади. 2013 йилда бизнес суғуртаси ва молиявий таваккалчиликларни суғурталаш бўйича 528 та суғурта шартномаси тузилган бўлса. Шу шартномалардан 40 таси даъво шартномалари асосида суғурта қопламасини тўлаб беришни сўраб мурожат этишган. Келиб тушган мурожатлар бўйича 320 516 минг сўм суғурта қопламалари тўлаб берилган.

Андижон вилоятида 912 та суғурта шартномаси тузилиш жами суғурта мукофотлари суммаси 263 546 минг сўмни ташкил қилади. Олинган жавобгарлик 5 750 593 минг сўмдан иборатдир. Бу йили 3 та суғурта даъволари бўйича суғурта шартномалари келиб тушган бўлиб, 11 253 минг сўмни ташкил қилмоқда. Андижон вилоятида суғурта ҳодисаси камлигини шу кўрсаткичлар асосида ҳам кўришимиз мумкиндир. Тошкент шаҳрида 2013 йилда бизнес суғуртаси ва молиявий таваккалчиликлардан суғурталаш бўйича 11 та суғурта шартномаси тузилган бўлиб, бу шартномаларга асосан 9 503 минг сўм суғурта мукофотлари келиб тушган. Олинган суғурта жавобгарлиги 1 422 673 минг сўмни ташкил қилади. 2013 йилда суғурта шартномаларига асосан суғурта қопламаларини сўраб даъво аризалари келиб тушмаган.

Янги техника ва технологиялар суғуртаси уларни қўллаш таваккалчиликларига нисбатан амалга оширилади. Бундай таваккалчиликларга машиналар конструкцияларидаги ва технологиялардаги, материалларни танлаш ёки тайёрлашдаги хаттоликлар; кутилмаганда бозорда яна ҳам унумли техника ва технологияларни пайдо булиши; синов пайтида

аниклаш мумкин булмаган яширин деффе́ктлар; улчов, меъёрлаштириш ва бошқа асбобларнинг ишдан чиқиши; электр куввати ва босимни ортиб кетиши, киска туташувлар; машиналарни бузилиши ва ишлаб чиқаришнинг тухташига олиб келувчи техника ва техналогик линияларга хизмат курсатишдаги хаттоликлар, этиётсизлик, алохида шахсларнинг гаразгуйлиги ва бошқа сабаблар. Ўзагросуғурта ДАСК ҳам бу йўналишда керакли ишларни амалга оширмоқда. Бу келажакда бизнеснинг ривожланиши тўхтаб қолмаслигида муҳим омил ҳисобланади.

II -боб бўйича хулоса.

Ўзбекистон Республика бўйича бизнесни суғурталаш хизматларини кўрсатиш суғурта компаниялари томонидан йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бу эса, суғурта компанияларининг суғурта бозорида бизнесни суғурталаш бўйича суғурта маҳсулотларини таклиф қилиши ва мижозларга сифатли суғурта хизматлари кўрсатилиши яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради. Режали иқтисодиёт даврида корхоналарнинг аксарияти давлат тасарруфида бўлганлиги ва бу хусусий мулкчилик ривожланишига тўсқинлик қилганлиги, кейинчалик мулкларни давлат тасарруфидан чиқарилиши корхоналарнинг бизнес суғуртасига яъни ҳимояга эҳтиёжи борлигини кўрсатиб берди.

Мамлакат суғурта бозорида бизнес суғуртасини янада ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшиш, қолаверса компанияда бизнес суғуртаси мижозлари сонини ошириш “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) бир қанча истиқболдаги режаларини белгилаб олган. Булар ҳар бир тадбиркорга яъни мижозга индивидуал ёндошган ҳолда кўрсатилаётган бизнес суғуртаси хизматлари сифатини янада ошириш чораларини кўриш, минтақавий бўлимларида бизнес суғуртасини ривожлантириш, фермер хўжаликлари ва қишлоқ маҳсулотларини етиштирувчи тадбиркорларни бизнес суғуртаси маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда шу орқали бизнес суғуртасининг ҳимояси даражасини юксалтириш каби масалаларни ўз ичига олади. “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) компанияси бизнесни суғурталаш суғурта хизматларини кўрсатишда, республикамизда етакчи суғурта компаниялардан бири ҳисобланади.

III-БОБ. БИЗНЕС СУҒУРТАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

3.1. Ўзбекистонда бизнес суғуртасини ривожлантириш истиқболлари ва самарадорлигини ошириш йўллари.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган қатор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда иқтисодий фаолиятнинг ўзаро уйғун дастаклари мажмуи – бозор институтларини жумладан, суғурта соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштиришга устуворлик бериш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор фаолият кўрсатишлари кўп жihatдан суғурта тизими қай даражада тараққий этганлигига боғлиқ.

Президентимиз Ислom Каримов таъкидлаганларидек: “Шу нарса аниқки, бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, кичик ва хусусий бизнес вакиллари, қишлоқ-товар ишлаб чиқарувчилари такомиллашган суғурта тизимисиз самарали ишлаш, инвестиция фаолияти билан шуғулланиш, кредит олиш имконига эга эмас”.²² Шу боис, иқтисодий фаолиятда эркинлик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Ички инвестиция манбаларини кўпайтириш, давлат, фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкый манфаатларини ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида республика суғурта бозорини ислоҳ қилишда энг муҳим, биринчи ўриндаги ривожланиши йўналишлари ва йўллари аниқлаб олиш керак²³.

²² Каримов И.А. “Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз” // Халқ сўзи, 2000, 15 феврал, 32-сон.

²³ Мирсодиқов М.А. Развитие страхового рынка Узбекистана. Финансовый рынок. 2006 йил феврал. 2-сон. 32 бет.

Унингсиз суғурта муносабати амалга ошмайдиган суғурта бозорининг асосий иштирокчиси - суғурталовчининг ташқи алоқалари жуда хилма-хилдир. Бу алоқаларнинг асосий мақсади:

- ўз суғурта маҳсулотлари ва суғуртани потенциал истеъмолчиларга таништириш;
- суғурталовчининг суғурта бозоридаги илдам ҳаракатланиши;
- жамият онгида суғурталовчи имиджини яхшилаш²⁴.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида риск даражаси ортиб бормоқда. Республикамиздаги 40 дан ортиқ шаҳарлар сув тошқини юз берганда сув остида қолиш хавфи бор. Мамлакатнинг барча ҳудудлари 7 баллдан ортиқ зилзила бўлиш хавфи остида. Шаҳарларда 50га яқин йирик кимёвий, ёнғинга хавфли, портловчи объектлар мавжуд. Кимё саноати корхоналари, нефт химияси ва нефтни қайта ишлаш корхоналарининг бари йирик шаҳарларда ёки уларнинг яқинида жойлашган. Аммо хавф-хатарларнинг 60 фоиздан ортиғи суғурта ҳимояси билан таъминланмаган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Ўзбекистон иқтисодиётининг асосини ташкил қилади. Экспорт ҳажмининг ўсиши ва экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг яхшиланиши, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, иш ўринларини барпо этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг фаровонлигини ошириш, мамлакатда бизнесни суғурталаш муҳитини яхшилаш – буларнинг ҳаммаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ.

Республикамизда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун тадбиркорларга бюджетдан ташқари фондлар ва тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳамда чет эл кредит линиялари ва халқаро молия ташкилотларининг грантлари ажратилмоқда. Ўз ўрнида бу маблағларнинг суғуртавий кафолатини таъминлаш зарурати ҳосил бўлмоқда.

²⁴ Зубец А.Н. Страховой маркетинг.-М.: Издательский дом “АНКИЛ”, 1998г. 169-172 стр.

Шу муносабат билан мамлакатимизда суғурта соҳасида бизнесни суғурталаш самарадорлигини оширишга ва изчил ривожлантиришга катта эътибор бериляпти. Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушининг ўсиши бунга ёрқин тасдиқдир.

Суғурта тизими, жумладан, суғурта бозори инфратузилмаси субъектлари давлат, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга суғурта ва суғурта билан боғлиқ хизматлар кўрсатилишини таъминлайди.

Республикаимизнинг бозор муносабатларига ўтиши янги шароитида фаолият кўрсата оладиган бизнес суғурта тизимини шакллантиришни тақозо этди. Мустақиллик йилларида олиб борилган ислохатлар натижасида турли мулкчиликка асосланган тадбиркорлар синфи вужудга келди, уларни самарали ишлаши учун бизнесни суғурталаш тизимини шакллантирилди. Бу борада кейинги йилларда суғурта бозорини ислох қилишга оид бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистонда мамлакатда бизнес юритиш билан боғлиқ барча таомилларни янада эркинлаштириш, соддалаштириш, арзонлаштириш ва уларнинг очиқ-ошкорлигини таъминлашга йўналтирилган комплекс дастур қабул қилинган. Шундай бўлсада, кичик бизнес субъектлари фаолиятида дуч келиши мумкин бўлган салбий омиллар ҳам мавжуд. Хусусан, тадбиркорлик хатари – тадбиркорлик фаолиятининг маҳсулот, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш, уларни реализация қилиш; товар-пул операциялари ва молиявий операциялар; тижорат ва бошқалар билан боғлиқ ҳар қандай турларида юзага келадиган хатардир. Шу муносабат билан мамлакатимизда ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш шаклларида бири бўлиб бутун корхонанинг мавжуд бўлиши ва фаолиятига хавф соладиган хатарларни бошқариш усули сифатида бизнес суғуртаси ҳисобланади. Айтиб ўтиш керакки, бизнес суғуртаси корхонани унинг фаолияти жараёнида юзага келадиган хатарлардан мақбул ва самарали ҳимояни тақлиф этади.

Бугунги кунда суғурта агентларининг роли ўзгаряпти, бозор иқтисодиёти шароитида улар ҳар қандай бизнеснинг зарурий ҳамкорига айланмоқда. Шу сабабли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун мақбул йўл бўлиб суғурта компаниясига ўзи дуч келиши мумкин бўлган хатарлардан ҳимоя қилишни топиши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати бўйича давлат инспекциясининг маълумотларига кўра, 2014 йил 1 январга келиб Ўзбекистон бозорида суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига 35 лицензия қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг етакчи банклари ташаббуси билан барпо этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг суғурта ҳимояси бўйича «Мадад» агентлиги Ўзбекистон суғурта тизимининг бир қисмидир. «Мадад» агентлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг комплекс суғурта ҳимоясини тақдим этиб келади. Агентлик фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб тадбиркорлик хатарларидан суғурта ҳимоясини имтиёзли шартларда тақдим этиш, шунингдек, кредитлар сўндирилмаганлиги учун қарз олувчининг жавобгарлиги суғуртаси; кредитлар, шу жумладан, имтиёзли кредитлар олиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тақдим этиладиган инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва экспертиза қилиш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтириладиган чет эл инвестицияларининг суғурта ҳимоясини таъминлаш ва кўпгина бошқа ишлар ҳисобланади. «Мадад» суғурта агентлигининг стратегияси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик фаолияти суғурта тизимини шакллантириш ва ривожлантириш концепциясига, жисмоний ва юридик шахслар мулкӣ ва номулкӣ манфаатлари суғурта хизматларининг кенг доирасини таъминлашга асосланган. Хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларини ҳар қандай хатарлардан ҳимоя қилиш бўйича фаолият соҳасини кенгайтириш дастури доирасида ўз ичига амалда тадбиркорлик фаолиятининг барча қирраларини, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни комплекс

ривожлантириш, ташқи ва ички хатарларнинг суғуртасини оладиган суғурта маҳсулотларини жорий этиш назарда тутиляпти. Мазкур концепция республикада Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида ички ва ташқи тадбиркорлик таваккалчиликларининг суғурта ҳимояси пухта механизмини яратиш зарурлигидан келиб чиқади. Шунингдек, асосий жиҳатлари банклар орқали суғурта маҳсулотларини тақдим этиш ва банк маҳсулотларини суғурта компаниялари орқали тақдим этиш ҳисобланган ритейл бизнеси концепцияси амалга оширилади. Банк ва суғурта компаниясининг бундай амалий ҳамкорлиги банк ва суғурта хизматларини муайян даражада интеграциялаш, тижорат банклари хатарини бошқариш ва суғурта компанияси активларини бошқаришни тақозо этади. Мазкур концепциясини амалга ошириш доирасида мамлакат банк секторининг вакиллари билан ҳамкорлик алоқаларига нисбатан амалий фаолликни ошириш режалаштириляпти. Хусусан, агентлигик томонидан кредит операцияларини амалга ошириш чоғида суғурта полисларини реализация қилиш мақсадида банкларнинг филиаллар тармоғида сотиш шохобчаларини ташкил этиш, мол-мулк гарови, кредитлар суғуртасини амалга ошириш; банк миждози бўлган юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизматларини сотиш қоидалари ва низомларини бирхиллаштириш режалаштириляпти. Бу бизнес суғуртасининг самарасини оширишда муҳим қадамлардан бири саналади.

Булар Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган янги суғурта дастурларидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг суғурта бозорини янада ривожлантиришда, хусусан, мазкур сектор суғуртаси бўйича хизматларга истеъмолчилик талаби ўсганда суғурта мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни самарали қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг муваффақиятли фаолият юритиши омилларидан бири сифатида ўртага чиқади.

Хозирги кунда бизнесни суғурталашнинг самарали йўллари излаш учун қилинаётган ишлар камлик қилмоқда. Шу муносабат билан бизнесни суғурталаш ишларини олиб бориш, унинг шакли ва самарали йўллари танлашга катта эътибор берилмоқда., лекин, шунга қарамай бизнес суғуртасини шаклланишида ўзига хос муаммолар мавжуд, шу жумладан, хозирга қадар суғурта ташкилотларида бизнес суғуртасини ташкил қилишнинг самарали асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаган ва бизнесни суғурталашнинг ҳар қил кўринишлари бўлиб, яхлит бизнес суғуртаси шаклланмаган. Масалан кредитни қайтара олмаслик суғуртаси, кутилган даромадни ололмаслик суғуртаси, мол-мулк суғуртаси, жавобгарлик суғурталари, молиявий таваккалчиликлардан суғурталаш, кредитни гаров билан қопланмаган қисмини суғурталаш ва ҳакозолар.

Тадбиркорлик фаолияти жараёнида даромад олиш, иқтисодий субъектлар ривожланишининг оптимал траекториясига эришиш учун энг мақбул воситалар зарурлиги боис, аксарият мулкдорлар бизнес суғуртаси мавжуд бўлишидан манфаатдордирлар.

Суғурта компанияларида бизнес суғуртасини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва афзаллик жиҳатлари қуйидагилар билан изоҳланади:

- бизнес билан шуғулланувчиларни ҳар томонлама манфаатларини суғурталаш орқали, бизнес суғуртасига бўлган ишончнинг кафолатланиши;
- тадбиркорлик соҳаси, ҳизмат кўрсатиш соҳаси ва маҳсулот ишлаб чиқариш соҳаларини қамраб олувчи суғурта маҳсулоти эканлиги;
- бизнес билан шуғулланувчиларни ўз иш фаолиятига бўлган ишончини рағбатлантиришга кўмак берувчи суғурта маҳсулоти эканлиги;
- бизнес билан шуғулланувчиларни молиявий банкротликдан ҳимоялайди ва ўз ишига ишончини ортиради.

Бундай шароитда бизнес билан шуғулланувчилар бир томондан бизнес суғуртаси орқали ўз бизнесининг давомийлигини таъминланишида имконият яратилса, иккинчи томондан суғурта ҳодиса туфайли кўрилган зарарни ўз вақтида қоплашга ёрдамчи вазифасини бажаради.

Бизнес суғуртаси айниқса суғурта компаниялари ҳудуд жиҳатдан кенг тарқалган, кўп тармоқли, мамлакатнинг барча ҳудудларида таркибий бўлинмалари бўлган ва улар томонидан мустақил қарорлар қабул қилинадиган компанияларда муҳим рол ўйнайди. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта соҳасининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни салмоқли бўлишида бизнес суғуртасига ёндошиш муҳимдир. Зеро, бизнес суғуртаси суғурта компаниялари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини, бозор эҳтиёжларини аниқлаш ва шу тариқа уларнинг иш самарадорлигини оширишда бозорда самарали рақобат муҳитини яратишда катта таъсир кўрсатади.

Суғурта компанияларида жорий этилган бизнес суғурта тизимининг тўғри ташкил этилганлиги турли таваккалчиликлардан химоя қилинганлик даражасига, унинг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Суғурта компанияларида бизнес суғуртаси тизими қанчалик такомиллашган бўлса, бизнес суғуртасига суғурталанувчилар томонидан ушбу суғурта маҳсулотига бўлган талаб самараси шунча юқори бўлади.

Бугунги кунда бизнес суғуртасини янада ривожлантириш зарурати мавжуд. Чунки, бу сиз иқтисодиёт ҳам, суғурта бозори ривожланиши ҳам самарали бўлмайди. Иқтисодиётни ривожлантирадиган бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Суғурта бозорида бизнес суғуртасини бирданига, тўлиқ яратиб бўлмайди. Иқтисодиёт ўзгарувчан соҳалардан ҳисобланади, чунки кашфиётлар натижасида янги-янги маҳсулотлар яратилади. Инсонлар ўша янги нарсаларга қизиқишади. Яратилаётган янги нарсалар инсониятга қулай қилиб яратилади ва у албатта рақобатбардош масулот бўлади. Агар у рақобатбардош бўлмаса бозорда ўз ўрнини топа олмайди. Рақобатбардош маҳсулот албатда олдинги маҳсулотларга ўз таъсирини ўтказади. Ҳатто уни бозордан сиқиб чиқаради. Бозорда ўрнини топа олмаган тадбиркор ўз ўзидан банкротликка учрайди ёки бозордан орқада қолади. Масалан: Samsung телефонларини олсак. Бу телефонлар бозори чаққон эмас эди. Компания

янгиликлар яратиб яъни сенсирли экранлар яратиб, қулайлик ва ихчамликда Nokia телефонларини орқада қолдирди. Ҳозирда телефонлар бозорида энг харидоргир маҳсулотга айланиб бормоқда. Nokia телефон маҳсулотлари бозори орқада қолиб кетди. Бунга ўхшаш мисолларни қўлаб келтирсак бўлади.

Шундай экан ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлар учун катта хавфлардан бири кутилган даромадни ололмаслик саналади. Банкрот бўлган тадбиркор ўз ишини яна ривожлантириб йўлга қўйиши учун унга моддий ёрдам керак бўлади. Бу ёрдамни бизнес суғуртасидан олиши мумкин. Бизнес суғуртаси тадбиркор учун қулай ҳисобланади. Аниқроқ тушунтирадиган бўлсак тадбиркор бизнесни йўлга қўйиш учун барибир бизнес суғуртасига эҳтиёж сезади. Чунки бизнес суғуртаси ҳар томонлама манфаатларни ҳимоялайди.

Бизнес суғуртаси анча вақт давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, юксак маҳоратга эга малакали кадрлар, шунингдек, суғурта муносабатларининг асосий иштирокчилари суғурта билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи мустақил хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига руҳан мослашишларини талаб этади. Суғурта бозорининг муҳим иштирокчиси суғурталовчи (ишлаб чиқарувчи) томонидан махсус, специфик хизмат – суғурта хизмати сотилади. Суғурта бозорида иккита асосий иштирокчи (сотиб олувчи-суғурталанувчи ёки суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи – сотувчи) мавжуд бўлиши муҳим. Лекин, сотиб олувчи-суғурталанувчи ёки суғурта қилдирувчи мавжуд бўлиб, суғурталовчи бўлмаса, суғурта муносабати бўлмайди. Ёки аксинча суғурталовчи бўлса-ю суғурта қилдирувчи бўлмаса ҳам суғурта муносабатлари вужудга келмайди

Бизнес суғуртаси суғурта бозори ривожланиши даражасига мувофиқлиги жиҳатидан бизнес суғуртаси кечикувчи (бунда бизнес суғуртасининг хизматларидан фойдаланувчи фаолият талабларини қондиришга улгурмаслиги) деб қайд этиш лозим. Чунки суғурта компаниялари асосан мажбурий суғурта турлари билан шуғулланмоқда.

Бизнес суғуртасининг самрасини ошириш мақсадида суғурта бозори инфратузилмасига қўшимча равишда суғурта консалтинги ташкилотлари (суғурта маслаҳатчилари)ни, 24 соат ишловчи қўнғироқ марказларини, ихтисослашган юридик (адвокатлик) фирмаларни, инвестиция компанияларини ва суғурта аудиторларини киритиш мумкин. Суғурта бозори инфратузилмаси субъекти – суғурта агентларини ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари суғурта компаниялар томонидан амалга оширилишини жаддалаштириш лозим.

Хулоса ўрнида таъкидлаш муҳимки:

- бизнес суғуртасини амалга оширилишдаги муносабатлар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан тўлиқ тартибга солинмаган;
- Ўзбекистонда бизнес суғурта билан шуғулланувчи менеджерларни малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган ихтисослаштирилган курслар ёки бирор ўқув маркази ташкил этилмаган;
- бугунги бизнес суғуртаси билан шуғулланувчи суғурта воситачиларига нисбатан профессионал билим ва малака талаблари ўрнатилмаган ва бизнес суғуртаси хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилмаган;
- республикамизда бизнес суғуртаси воситачилиги фаолиятини олиб боришга қодирлиги нуқтаи назаридан уларни сертификатлаш ва имтихондан ўтказиш тартиби мавжуд эмас;
- бизнес суғуртаси билан шуғулланувчи суғурта воситачиларининг профессионал жавобгарликларини суғуртаси жорий этилмаган;
- бизнес суғуртаси билан шуғулланувчи суғурта воситачилари ўз фаолияти давомида ишлатиши мумкин бўлган ҳужжатлари намуна ва андозаларини тўплами нашр этилмаган.

Юқорида айтиб ўтилган камчиликлар суғурта компаниялари томонидан бартараф этилса ишонаманки бизнесни суғурталаш самарадорлиги анча юқори кўрсаткичларга кўтарилади.

3.2. Йирик компанияларда бизнесни суғурталаш ишларини яхшилаш йўллари. (Ўзагросуғурта ДАСК мисолида)

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда: "Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги ижтимоий фаол аҳолининг 70 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида банд. Шундай экан, бу соҳани янада ривожлантирмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келгуси тараққиётини тасаввур қила олмаймиз", — деган эди. Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлар ва кичик бизнес қатлами вакилларининг молиявий манфаатини ҳимоя қилиш, самарали фаолият кўрсатишга хавф солиши мумкин бўлган хатарлардан ҳимоялаш суғурта компанияларининг муҳим вазифасига айланган.

Америкалик руҳшунос Абрахам Маслоу XX асрнинг 40-йилларида ўзининг эҳтиёжлар устунлиги назариясини яратиб, кишилар ўз мотивлари жараёнида эҳтиёж ва қизиқишнинг 5 турига таянадилар деди. Унинг эҳтиёжлар иерархияси қуйидаги кўринишга эга. (3.2.1 -чизма)



3.2.1 -чизма. (А. Маслоу бўйича).

Биринчи ўриндаги эҳтиёжлар - бу базис эҳтиёжлар, яъни яшашни таъминлаш учун зарур бўлган эҳтиёжлар. А. Маслоунинг фикрича, инсон, энг аввало ана шу базис эҳтиёжларини қондириш учун ишлайди. Базис эҳтиёжлар, яъни озиқ-овқатга, кийим-кечакка, уй-жойга, уйқуга бўлган эҳтиёж қондирилса, бошқа даражадаги эҳтиёжлар ҳам аста-секин аҳамият касб этиб боради.

Масалан, хавфсизликка, яъни тинчлик, тартиб, ҳимояга бўлган эҳтиёж ҳам бирламчи босқичдаги эҳтиёжнинг янги даражасидаги заруриятдир. Маълумки, бизнес бир қатор ўзига хос таваккалчилик омилларидан иборат. Албатта, омадга умид қилса ҳам бўлади, бироқ у ҳар доим ҳам кулиб боқавермайди. Суғурта ана шу таваккалчилик омилларини камайтириш учун мўлжалланган, чунки у корхонанинг якуний натижаларини ҳимоя қилиш билан бирга қўйилган мақсадларга эришишни таъминлайдиган алоҳида жихатларга йўналтирилган. Бошқача айтганда, суғурта орқали кенг бозор майдонида тадбиркорга муқаррар равишда учрайдиган турли тасодиф ва кутилмаган муаммоларга қарши кафолатлар яратиб берилади. Бу

инсониятнинг бирламчи эҳтиёжи бўлган хавфсизликка бўлган эҳтиёжини кондиринишда суғуртанинг ўрни муҳимлигини ва чамбарчас боғлиқлигини ифодалайди.

Республика суғурта бозори ҳозирги вақтда янада ривожланиш ва ислоҳ қилиниш босқичида турибди. Уни қўллаб-қувватлаш, модернизация қилиш ва ривожлантиришга йўналтирилган давлат сиёсати ўзининг муайян ижобий натижаларини бермоқда. “Ўзгаросуғурта” ДАСКнинг яқин истиқболга мўлжалланган асосий вазифаси юридик ва жисмоний шахсларнинг сифатли суғурта ҳимоясига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондиринишдан иборат. Иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ривожидида суғурта хизматларининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Шу боис кейинги йилларда бундай хизмат турларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

Бунга мос равишда суғурта ташкилотлари томонидан қишлоқ хўжалиги субъектларига тезкор ҳамда сифатли хизматлар кўрсатилаётгани деҳқон ва фермерлар фаолиятини турли эҳтимоллардан ҳимоялаш баробарида, ишига ҳам барака киритаяпти. “Ўзагросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компанияси ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, тузилган суғурта шартномалари бўйича олинган мажбуриятларини бажариш борасидаги фаолиятини тобора кенгайтirmoқда. Хусусан, ҳозирги кунда компания томонидан юридик ва жисмоний шахсларга 100 дан ортиқ турдаги суғурта хизматлари таклиф этилаётган бўлса, шундан 40 таси қишлоқ хўжалиги суғуртасидир. Айни чоғда қишлоқ хўжалиги вакиллариининг экинлар ҳосили, чорва моллари ва паррандалар, мол-мулклари ҳамда молиявий муносабатларини суғуртавий ҳимоялаш учун компания хизматларидан кенг фойдаланаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўтган йили табиий офатлар натижасида экинни зарар кўрган фермер хўжаликларига 1,3 миллиард сўмлик, имтиёзли кредит маблағларининг қайтарилмаслик хавфини суғурталаш бўйича 1,5 миллиард сўмлик суғурта товонлари тўлаб берилгани бунинг тасдиғидир. Бухоро туманидаги “Ихти

Бекзод Муҳаммад”, Катта-қўрғон туманидаги “Ёндала АЖС”, Янгиқўрғон туманидаги “Бекмирза Дилмурод Жўрабек”, Қонликўл туманидаги “Уббигалиев Талгат”, Зангиота туманидаги “Рустамбек Турсунбек”, Олтиариқ туманидаги “Холматжон” фермер хўжаликлари айнан шундай хизматлардан фойдаланган кишлоқ тадбиркорлари сирасидан. Умуман, суғурта хизматлари кўрсатилишида мижозлар учун бир катор енгилликлар берилаяптики, бу ҳам улар билан ҳамкорликни кенгайтиришда айтилиши мумкин. Хусусан, жорий йилдан бошлаб фермер хўжаликларига экинлар ҳосили бўйича суғурта таваккалчиликлари сони 14 тадан 17 тага кўпайтирилди. Суғурта тарифлари ҳар бир таваккалчилик туридан келиб чиқиб, алоҳида белгилангани эса уларга танлаш имкониятини берди. Бундан ташқари, агар фермер ўз хўжалигини барча қалтисликлардан суғурта қилдирса, тариф 10 фоизга камайтирилди. Кетма-кет уч йил давомида суғурта қилдириб, суғурта товони олмаган тақдирда эса, кейинги йил учун шартнома тузишда 30 фоизлик имтиёз белгиланди.

Бугунги жадал тараққиёт даври замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишни тақозо этмоқда. “Ўзгаросуғурта” ДАСК (ОАЖ) айтилиши шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилаётгани маълумотлар алмашиш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш, қисқача айтганда, мижозлар билан алоқаларни тобора мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаяпти. Буларнинг бари аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, фермер ва тадбиркорларнинг барқарор фаолият юритишини таъминлаш, пировардида мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшишдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Суғурта хизматларининг традицион турлари бўлган табиий офатлардан кўрилган зарарлар, техник ва технологик сабаблар оқибатида юз берадиган ёнғин, авария, портлаш каби суғурта ҳодисаларини ўз ичига олувчи суғурта турларидан ташқари суғуртанинг бир қанча ўзига хос турлари ҳам кенг қўлланилмоқда. Шундай суғурта тури сифатида ривожланган мамлакатларда кенг қўлланиб келинаётган ишлаб чиқаришдаги узилишлар суғуртаси

ҳисобланади. Ишлаб чиқаришда узилишларни суғурталаш тадбиркорлар учун энг керакли суғурта маҳсулоти саналади. Бу суғурта маҳсулотининг ривожлантирилиши “Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ)да бизнес суғуртасининг самарадорлигини оширишдаги суғурта хизматларидан бири бўлади.

Бизнесни суғурталаш самарадорлигини оширишдаги энг муҳим вазифаси – бизнес суғуртаси маҳсулотлари сотуви ҳажмини орттиришдир. Суғурта бозори ўзи билан иқтисодий муҳитни намоён этади. Унда суғурта хизматларига бўлган талабни яратувчи суғурталанувчилар, албатта, мазкур талабни қониқтирувчи суғурта компаниялари (суғурталовчилар), суғурта воситачилари ва суғурта бозори инфратузилмаси субъектлари намоён бўлади.

Фақат тўғридан-тўғри алоқа қилиш орқали суғурталовчи мижозни ўз компаниясининг суғуртавий ҳимосига эга бўлишига ишонтира олади. Бу ишни асосий бажарувчиси суғурта воситачилари ҳисобланади.

Суғурта бозори ҳолати ва суғурта хизматларига бўлган талаб иқтисодиётнинг аҳволини акс эттиради. Бизнесни суғурталаш ривожланган хорижий давлатларда асрлар давомида ривожланиб, такомиллашиб келган ва шу сабабда Ўзбекистонда суғурта тизимини ривожлантириш ва бизнесни суғурталашни такомиллаштириш учун ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, бизнес суғуртаси кенг қамровли тушунча бўлиб, у ўз ичига бизнес суғуртаси шартномасининг тузилишидан, унинг тугашигача бўлган муддатни қамраб олади. Юқорида таъкидланганидек, диссертация иши суғурта муносабатларининг айнан бизнес суғуртаси билан боғлиқ соҳасини ўрганишга ва уни такомиллаштиришга бағишланган. Ўзбекистонда бизнес суғуртаси муносабатларини ривожлантиришни қуйидаги йирик йуналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- Ўзбекистон суғурталовчилари томонидан амалга оширилаётган бизнес суғуртасини такомиллаштириш учун ҳуқуқий асос ва шарт-шароитларни такомиллаштириш;

- суғурталовчилар томонидан бизнес соҳасини кенгрок қамраб олинишини таъминлаш мақсадида, бизнес суғуртаси хизматларини сотиш йуналишларини такомиллаштириш;

- суғурта ташкилотларида суғурта маҳсулоти бўлган, бизнес суғуртасини тўлиқ шакллантирилишини таъминлаш;

- бизнес суғуртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва уларнинг кўламини кенгайтириш учун зарур шароитларни яратиш.

Суғурталовчилар томонидан суғурта фаолиятида амалга оширилаётган бизнес суғуртасининг тўғри йўлга қўйилиши, улар томонидан суғурталаш жараёнини сифатли ва барқарор бўлишини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Самарали бизнес суғуртасининг асосини ташкил этувчи таркиби бу суғурталовчи компаниялар томонидан ишлаб чиқиладиган бизнесни суғурталаш тизими ҳисобланади.

Бизнесни суғурталаш тизимини шакллантиришда суғурталовчи энг аввало, амалга оширадиган суғурта турларини ҳисобга олиши зарур. Ваҳоланки бизнесни суғурталаш тизими ҳар бир бизнес суғуртаси маҳсулоти бўйича қалтислик омиллари ва суғурталанаётган объектларнинг гуруҳлари тўғрисида маълумотлар ва уларга мувофиқ келувчи суғурта шартларини ифодалайди. Бизнесни суғурталаш тизимини шакллантиришда қалтисликларни гуруҳлашнинг энг оптимал ҳолатини аниқлаш унинг самарадорлигини белгилаб берувчи омил ҳисобланади. Чунки, қалтисликларни хаддан зиёд кўп гуруҳларга ажратиш ортиқча ҳаражат ва вақтнинг сарфланишига олиб келса, етарли даражада гуруҳланмаган қалтисликлар, қалтисликлар анитиселекцияси ва тўловга ноқобилликни келтириб чиқариши мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб, суғурталовчилар томонидан бизнесни суғурталаш тизимини шакллантиришда қалтислик омиллари ва қалтисликларнинг анитиселекциясига йул қўймасликка эътибор бериши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон республикасида қишлоқ хўжалик суғуртаси билан ҳозирги кунда “Ўзагросуғурта” Компанияси фаолият кўрсатмоқда. Ўтган беш йил давомидаги суғурта шартномаларини тузилиш ва уларни кучга кириши таҳлил қилинганда, таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики тузилган ва кучга киритилган суғурта шартномалари ўртасида катта тафовут мавжуд. Жумладан маълумотлар асосида асосий қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили суғуртаси бўйича тузилган ва кучга киритилган суғурта шартномалари ўртасидаги нисбатга қуйидаги жадвал орқали баҳо беришимиз мумкин.

2013 йилда қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари билан тузилган ва кучга киритилган суғурта шартномалари 3.2.2-жадвал

т/р	Суғурта турлари	Тузилган суғурта шартномалари сони (дона)	Шундан кучга киритилган шартномалар сони (дона)	Шартномаларни кучга киритиш фоизи (%)
1	Пахта ҳосили	78976	28226	35.7
2	Ғалла ҳосили	48227	15615	32.4
3	Боғ-узум ҳосили	5775	696	12.0
4	Бошқа экинлар	816	128	15.3

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тузилган суғурта шартномаларини кучга киритиш давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла ҳосили суғуртаси бўйича мос равишда 35,7 ва 32,4 фоизни ташкил этган бўлса, бошқа суғурта турлари бўйича 11-26 фоизнигина ташкил этган ҳолос.

Айниқса фермер хўжаликлари билан суғурта шартномалари имзоланганлигига ва уларда суғурта шартномасини кучга киритиш хоҳиши бўлишига қарамасдан уларнинг ҳисоб рақамларида бўш пул маблағларининг етишмаслиги натижасида тузилган суғурта шартномалари кучга киритилмасдан қолмоқда.

Компаниянинг қишлоқ хўжалик суғуртаси бўйича зарарлилик даражасини ортиб кетишига йўл қўймаслик ва зарарларни тартибга солишда суғурта шартномаси тузишдан олдин ва суғурта шартномаси амал қилиш даврида Қишлоқ хўжалик экинлари ҳолатини мониторингини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, 2013 йил ҳосили бўйича Компания Бошқаруви тўлов комиссиясига тақдим қилинган ҳужжатлар ва тўланган суғурта товонлари ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда суғурта шартномалари тузишдан олдин экин ҳолати мониторинги ўтказилмаслиги натижасида экинлар ҳолати қониқарсизлиги ва кутиладиган ҳосилни олинмаслиги маълум бўлгандан, ёки суғурта ҳодисасини келтириб чиқарувчи табиий офатлар содир бўлгандан сўнг суғурта шартномалари кучга киритилиши ва суғурта полисларини ёзиб берилиши ҳолатлари учрамоқда. Бу ҳолат айниқса тижорат банклари томонидан берилаётган имтиёзли кредит маблағлари қайтраилмаслиги тадбиркорлик хавфи суғуртаси бўйича суғурталаш муддатлари белгиланмаганлиги сабабли, берилган кредитлар қайтарилмаслиги муқаррар бўлган ҳолларда Компаниянинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тушган суғурта мукофотларини қайтариб бериш ўрнига суғурта полисларини ёзиб берилиши натижасида, тўлов комиссиясининг эътирозларига ва тижорат банклари билан ўзаро келишмовчиликларга сабаб бўлмоқда.

III -боб бўйича хулоса

Суғурталовчилар томонидан суғурта фаолиятида амалга оширилаётган бизнес суғуртасининг тўғри йўлга қўйилиши, улар томонидан суғурталаш жараёнини сифатли ва барқарор бўлишини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Самарали бизнес суғуртасининг асосини ташкил этувчи таркиби бу суғурталовчи компаниялар томонидан ишлаб чиқиладиган бизнесни суғурталаш тизими ҳисобланади.

Ўзбекистонда бизнес суғуртаси муносабатларини ривожлантиришни қуйидаги йирик йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- Ўзбекистон суғурталовчилари томонидан амалга оширилаётган бизнес суғуртасини такомиллаштириш учун ҳуқуқий асос ва шарт-шароитларни такомиллаштириш;

- суғурталовчилар томонидан бизнес соҳасини кенгрок қамраб олинишини таъминлаш мақсадида, бизнес суғуртаси маҳсулотларини сотиш йўналишларини такомиллаштириш;

- суғурта ташкилотларида суғурта маҳсулоти бўлган, бизнес суғуртасини тўлиқ шакллантирилишини таъминлаш;

- бизнес суғуртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва уларнинг қўламини кенгайтириш учун зарур шароитларни яратиш.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон Республикасида бизнес суғуртаси самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

- бизнес суғуртаси бу — эҳтимолликка кўра, тасодифан ва олдиндан кўриб бўлмайдиган суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида юридик ва жисмоний шахслар томонидан кўриладиган молиявий зарарни суғурта воситасида қоплаш билан боғлиқ иқтисодий хизматлар муносабатлар йиғиндисидир;

- бизнес суғуртаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар учун маълум бир суғурта мукофоти эвазига муҳим иқтисодий ва молиявий кўмакчи вазифасини бажаради;

- бизнес суғуртаси орқали тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар кўрган зарарларни қоплаб беришда ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий манфаатларини ишонарли тарзда ҳимоя қилиш воситаси ҳисобланади;

- бизнес суғуртасида тадбиркорлар ўзларининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида учинчи шахсларга суғурта ҳодисаси натижасида зарар етказишлари мумкинлиги ва етказилган зарар албатта қопланишини таъминлайдиган суғурта турларидан бири.

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида самарадорликни оширишнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: илғор технология ва ускуналардар фойдаланиш; хом - ашё ва материалларнинг янги турларини қўллаш; асосий фондлардан унумли фойдаланиш; меҳнатни ташкил этишнинг самарали усулларини қўллаш; хориж фирмаларининг илғор тажрибаларидан фойдаланиш ва ҳ.к.

Бизнес суғуртаси шу йўналишларда суғурта ходисаси натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш билан боғлиқ суғурта хизмати ҳисобланади.

Иқтисодиётда бизнесни суғурталашнинг қонуний, ҳуқуқий ҳамда меъёрий асосларини инобатга олиб, бизнесни суғурталаш самарадорлигини ошириш долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Биз диссертациямизда Ўзбекистонда бизнесни суғурталашни илмий - назарий жиҳатдан ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Бизнесни суғурталаш ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида қаралган бўлиб, мавжуд шарт-шароитлар, миллий суғурта анъаналари ва маданияти ҳисобга олинган ҳолда босқичма-босқич ислоҳ этилган ва бизнесни суғурталаш суғурта соҳасидаги ривожланаётган суғурта маҳсулоти саналади.

2. Бизнесни суғурталашнинг асосий мақсадларидан бири - суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи талабига кўра, уларни суғурта қалтисликларини аниқлаш ва суғурта шартномани тузиш ёки тузмаслик тўғрисида таклиф бериш ва суғурта шартномаси тузилган ҳолатда сўзсиз ўз мажбуриятларини бажариш ҳисобланади.

Тадқиқотлар натижалари ва юқорида келтирилган хулосаларга асосланган ҳолда Ўзбекистонда бизнесни суғурталашни янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги таклифлар тавсия қилинади:

1. Суғурта компанияларида чет эл тажрибалари асосида бизнесни суғурталашни автоматлаштириш ва компьютер дастурларини жорий этиш лозим. Бу қуйидаги самарани бериши мумкин:

а) тадбиркорлардан ахборотларни йиғиш, таҳлил этиш, бизнес билан шуғулланувчилар ва суғурта компаниялари ўртасида ахборот алмашишни тезлаштиради ва молиявий харажатларни камайтиради;

б) бизнесни суғурталаш суғурта маҳсулотлари, шартномалар тузиш, тариф ставкаларини белгилаш, қопламаларни ўз вақтида тўланиш имкониятини беради;

в) Компания ролини ошишига, жаҳон стандартлари даражасида суғурта хизматларини кўрсатишга ўтишига замин тайёрлайди.

2. Ўзбекистон шароитида бизнесни суғурталашнинг комплекс суғурта қилишни ташкил этиш. Комплекс суғурта қилиш таркибига мол-мулк суғуртаси (7,8,9-класслар), умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш (13-класс), кредитларни суғурта қилиш (14-класс) ва бошқа молиявий таваккалчиликлардан суғурта қилиш (16-класс) турларини ўз ичига олади. Уни амалиётга тадбиқ этилиши қуйидаги самараларни беради:

- суғурта қилдирувчи бир вақтнинг ўзида бир нечта суғурта турлари бўйича суғурта қилдириши мумкин;

- комплекс суғуртаси ичидан ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда, керакли суғурта турларини танлаб олиш имкониятига эга бўлади.

- комплекс суғурта қилдирганда суғурта тарифлари камаяди ва суғурта қилдирувчининг суғурта мукофоти миқдори ҳам камаяди.

- суғурта ҳодисаси кузатилганда тўланадиган суғурта қопламаси катта зарар келтирмайди;

3. Бизнесни суғурталашнинг самарадорлигини ошириш йўлларида бири Ўзбекистонда онлайн электрон суғурта полисини яратиш ва суғурта қонунчилигида электрон суғурта полисини қонунийлаштириш. Бунинг натижасида:

- суғурталанувчилар онлайн тизимида суғурта хизматлари билан танишади;

- полис нархлари ҳақида маълумотлар олиш имкониятларига эга бўлади;

- суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасида онлайн мулоқоти вужудга келади;

- компания томонидан қилинадиган ҳаражатларни камайтиради (масалан комисион тўланадиган ҳаражатлар, хом – ашё ҳаражатлари ва бошқалар);

- суғурта қилдирувчининг вақти тежалади, қоғозбозлик ишларини камайтиради;

- инсон омилига доир хато камчиликлар камаяди ва ҳакозолар.

4. Бизнес суғуртасига марказлашган шаҳарларда ва кредит олиш вақтида суғурта қилдирувчилар дуч келишмоқда. Бизнес суғуртасини ривожланиши учун реклама хизматидан суғурта компаниялари кенгрок фойдаланишлари лозим. Бунинг натижасида қуйидаги самарага эришилади:

а) Республиканинг барча ҳудудларида бизнес суғуртаси ҳақида тушунча ва маълумотлар шаклланади;

б) бизнес суғуртаси қамрови кенгаяди;

в) бизнес билан шуғулланувчиларни суғурта компаниялар билан алоқаларининг мустаҳкамланишига олиб келади.

5. Халқ орасида бизнес суғуртаси маданиятини ошириш учун иқтисодий дарсликлар(мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларидаги)да бизнес суғуртасига доир маълумотларни қўпайтириш лозим. Бу ўз навбатида қуйидаги самарани беради:

- ёшлар орасида бизнес суғуртасига бўлган қизиқишларини уйғотади ;

- халқимизнинг суғурта маданиятини оширади;

- бизнес суғуртасининг ривожланиш қамровининг кенгайишида муҳим омиллардан саналади.

6. Бизнес суғуртасини ривожлантириш бўйича Испания давлатида қўлланилиб келинаётган бизнесни суғурталаш тизимини жорий этиш:

Бизнесни суғурталаш дастурида уч турдаги суғурта полислари таклиф этилади:

- бир турдаги рискни қопловчи (exceptional);
- кўп турдаги рискларни қопловчи рисклар (multiple);
- ишлаб чиқарувчининг назоратидан ташқарида бўлган барча рискларни қопловчи (all-risk).

Суғурта дастурларининг юқоридагидек, кенг танлаш имкониятининг яратилиши унда барча бизнесменларнинг иштирокини таъминловчи асосий омил бўлди. Нима учун давлат бундай кенг қамровли ҳимоя билан ўз фаолиятини самарали амалга оширмоқда?

Биринчидан, франшизалар кенг қўлланилади, суғурта суммасининг умумий суммадаги даражаси 60%ни ташкил этади.

Иккинчидан, бизнесни суғурталашнинг аниқ тизимининг мавжудлиги.

Бу таклифларим амалиётда қўлланилса, бозор иқтисодиёти шароитида бизнес суғуртасининг ривожланишини тезлашишига олиб келишига ишонаман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 52-боб. 1996 йил (Ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Суғурта фаолияти тўғрисида». 2002 йил 28 май (Ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
3. Тадбиркорлик фаолияти эркинликгининг кафолатлари тўғрисидаги қонуни; 25.05.2000 й. N 69-II

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-618-сон Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-872-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини

ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 31 майдаги ПҚ-1544-сон Қарори

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

10. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011й.

11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. И.А.Каримов.- Т:Ўзбекистон, 2009.

12. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

IV. Асосий адабиётлар

13. 19. Годин А.М., Фрумина С.В. Страхование: учебник. – М.: изд-во «Дашков и К», 2009.

14. Страхование: учебник/Под ред. Проф. Т.А.Федоровой. – СПб.:Магистр , 2008.

15. Страхование: учебник для студентов, обучающихся по специальностям «Финансы и кредит», «Бухгалтерский учет, анализ и аудит». Под.ред.В.В.Шахова. – М.: изд-во «ЮНИТИ-ДАНА», 2009.
16. Ochilov I., Sultonov D. Sugʻurta hisobi va hisoboti. Oʻquv qoʻllanma. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010у.
17. Суғурта агентлари учун қўлланма. – Т.: “PRINTXPRESS ”, 2010 й.
18. Страхование. Учебник / под ред. Т.А.Федоровой. – М.: “Магистр ”, 2009г.
19. Рыбин В. Основы страхования. Учебное пособие. – М.: “КНОРУС ”, 2010г.
20. Никулина Н. Страховой маркетинг. Учебной пособие. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА ”, 2009 г.
21. Никулина Н. Страхование. Учебное пособие. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, 2008 г.
22. Сербиновский Б. Страховое дело. Учебное пособие. – Ростов н/Д: “Феникс ”, 2010 г.
23. Страхование: экономика, организация, управление. Учебник. – М.: “Экономика”, 2010 г.
24. Страхование: учебник для студентов, Обучающихся по специальностям “Финансы и кредит”, “Бухгалтерский учет, анализ и аудит” / под. ред.В.В.Шахова, Ю.Т. Ахвледиани. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, 2010 г.
25. Эркаев Ў.А. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозори. Илмий-оммабоп китоб. – Т.: Наврўз, 2013 й.
26. Шеннаев Х.М. Ўзбекистон суғурта бозори. Ўқув қўлланма. – Т.: “Moliya-iqtisod”, 2013 й.

27. Шеннаев Х.М., Баймуратов Т.М. Суғурта иши. Ўқув қўлланма. – “Turon-iqbol”, 2013 й.

V. Қўшимча адабиётлар

28. Галаганов В. Основы страхования и страхового дела: учебное пособие. – М.: “КНОРУС”, 2010 г.

29. Денисова И. Страхование. Учебник. – М.: ИКЦ “МарТ”, 2009 г.

30. Игошин Н. Страхование право. Учебное пособие. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, - 2010 г.

31. Короткова Ю.Е. Краткий курс по страхованию. Учебное пособие. – М.: Изд. “Окей – книга”, 2010 г.

32. Кузнецова И. Страхование жизни имущества граждан. Практическое пособие. – М.: “Дашков и К”, 2010 г.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

33. Икромов О.Г., Гайбуллаев Б. Ремни финансовой безопасности (обзор страхового рынка – 2008)// Экономическое обозрение, №5-6, 2009 г.
34. Икромов О.Г. Страхование: вчера, сегодня, завтра// Народное слово, 3 июля 2009 г.
35. Имамов Ш.Б. Страхование как средство против кризиса// Народное слово, 5 августа 2009 г.
36. Мавлонова Н. Аҳоли суғуртаси ривожланмоқда//Бозор, пул ва кредит, 2014 йил, №1.
37. Обзор страхового рынка Узбекистана по итогам 2010 года//Бизнес-вестник Востока, №3-4/1 13 января 2011 года.
38. Узагросугурта”: страховая защита по всему Узбекистану//Бизнес-вестник Востока, №30, 14 апреля 2011 г.
39. Узбекинвест”: стратегия успешного бизнеса//Бизнес-вестник Востока, №32, 21 апреля 2011 г.
40. Страховая компания “Кафолат”: 14 лет успешного роста// Бизнес-вестник Востока, №29 12 апреля 2011 г.
41. Икромов О.Г., Шеннаев Х.М. Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозори: ривожланиш тенденциялари ва истикболлари.// “Молия” журнали, 2008 йил 1-сон.
42. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
43. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

VII. Интернет сайтлари

44. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).
45. <http://www.UzReport.com> (“SAIPRO” ахборот-рейтинг агентлиги).
46. <http://www.agros.uz> (“Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси).
47. <http://www.uzbekinvest.uz> (“Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси).
48. <http://www.kafolat.uz> (“Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси).
49. <http://www.alfainvest.uz> (“Альфа инвест” суғурта компанияси).
50. <http://www.alskom.uz> (“Алском” суғурта компанияси).
51. <http://www.kapitalsugurta.uz> (“Капитал суғурта” суғурта компанияси).
52. <http://www.allinsurance.ru> (Россия Федерациясининг суғурта бўйича сайти).
53. <http://www.expert.ru> (Россия Федерацияси рейтинг компанияси).
54. <http://www.ankil.ru> (Россия Федерациясининг консалтинг фирмаси).
55. <http://www.znay.ru> (Россия Федерациясининг суғурта сайти).